

Олим Ато ибн Халил Абу Рушта

**ИҚТИСОДИЙ КРИЗИС,
УНИНГ ВОҚЕИ ВА УНИ
ИСЛОМ НУҚТАИ НАЗАРИДАН
ҲАЛ ҚИЛИШ**

Араб тилида «أَرْزَمَةٌ» сўзи танглик, демакдир. Бу ерда ғайрат билан қаттиқ ҳаракат қилинмаса, ҳал қилиш қийин бўлган танглик-кризис, деган маънода қўлланади. «Иқтисод» сўзи луғатда қасд сўзидан олинган бўлиб, тўғри йўлни тутиш маъносини билдиради. У, шунингдек, беҳуда совуришнинг зидди бўлган тежамкорлик маъносини ҳам англатади. Бу сўз аслида қадимги грекча лафздан олинган бўлиб, «уй ишларини тадбир қилиш», демакдир. Бунда уйнинг қодир, лаёқатли аъзолари озиқ-овқат етиштириш ва хизмат кўрсатишда иштирок этиб, ўзлари топган нарсадан ҳаммалари фойдаланишади. Кейинчалик одамлар уй сўзини кенгрок маънода қўллайдиган бўлишди ва бу сўздан битта давлат ҳукм юритадиган жамият тушуниладиган бўлди.

Демак, бу ерда иқтисод сўзи луғавий маънода эмас, балки, молиявий ишларни тадбир қилиш, деган истилоҳий маънода қўлланади. Тадбир қилиш ё молни қўпайтириш ва мавжуд бўлиб туришини таъминлаш билан бўлади. Бу тўғрида иқтисод илми баҳс юритади. Ёки молни тақсимлаш билан бўлади. Бунда эса иқтисодий низом баҳс юритади.

Шунга кўра, иқтисодий кризис – давлатнинг молиявий ишларни тадбир қилишида қаттиқ беқарорлик юзага келиши бўлиб, унга барҳам бериш ва вазиятни барқарор ҳолатга қайтариш учун қаттиқ ғайрат билан ҳаракат қилиш зарур бўлади. Иқтисодий кризис деганда молиявий ишлардаги оддий тадбир-чоралар билан баргараф қилиш мумкин бўлган енгил бузилиш назарда тутилмайди. Бундай бузилиш одатда ҳаётнинг ҳар қандай ишларида учраб туради ва уни ҳал этиш ҳамда йўл қўйиладиган маълум чегарагача қабул қилиш мумкин.

Тўғри мабда ва соғлом нуктаи назарга асосланган давлатда оддий бузилиш юз берган тақдирда то бу бузилиш зўрайиб, кризисга айлангунга қадар бу давлат уни ўз вақтида ҳал қилмай тек туравериши мумкин эмас. Аксинча уни бошланишидаёқ ҳал қилади. Зеро бунда ҳал қилиш осон, енгил кечади.

Иқтисодий кризис – давлатнинг молиявий ишларни тадбир қилишида қаттиқ тартибсизлик юзага келиши эканини билдик. Шунинг учун аввало давлатнинг – ҳар қандай давлатнинг – ўз молиявий ишларини қандай тадбир қилиши билан танишиб чиқмоғимиз лозим бўлади.

Шундан кейин бу ишларда кризислар юз бериши эҳтимолларини сўнгра уларни қандай муолажа қилиш лозимлигини баён қиламиз. Буни тушуниб етиш учун қуйидаги икки муҳим омилни, бу икки омилнинг ҳар қандай давлатнинг иқтисодий вазиятига бўлган таъсирини албатта ўрганиб чиқиш зарур бўлади:

- 1) Мол айирбошлаш бирлиги, яъни пул.
- 2) Тўловлар баланси.

Биринчи омил: Пул

Пул муомаласи ўтган асрларда маъдан асосида эди. Яъни пул «ҳукумат томонидан зарб қилинган ва муҳрланган, ўзаро умумий айирбошлашда ишлатиладиган қимматбаҳо маъдан бўлаги», деган маънони англатар эди.

Ўша асрларда пул сифатида машҳур бўлган мазкур қимматбаҳо металл олтин ва кумуш эди. Кейин ўн тўққизинчи аср охирида кумушга бўлган таяниш камайди. Чунки кумуш ўзининг пуллик сифатини йўқотди ва муомаладаги пул низоми олтин бўлиб қолди. Олтин қоида асосидаги бу пул муомаласи ўн тўққизинчи аср охири ва йигирманчи аср бошларида айрим қоғоз пуллар пайдо бўлгунга қадар давом этди. Бу қоғоз пуллар устига ёзиб қўйилган қийматда олтин пул ўрнини босар, яъни шахс қоғоз пулни ҳар қандай вақтда олтинга алмаштириб олиши мумкин эди.

Олтин қоида асосидаги пул муомаласи биринчи жаҳон уруши арафасига қадар давом этди. Бу пайтга келиб урушаётган давлатлар буни тўхтатишга мажбур бўлди ва уруш шароити сабабли қоғоз пул босиб чиқарди. Олтин қоида асосидаги бу пул муомаласи ўн тўққизинчи аср охири ва йигирманчи аср бошларида айрим қоғоз пуллар пайдо бўлгунга қадар давом этди. Бу қоғоз пуллар устига ёзиб қўйилган қийматда олтин пул ўрнини босар, яъни шахс қоғоз пулни ҳар қандай вақтда олтинга алмаштириб олиши мумкин эди.

Уруш тугагач, дунё давлатлари 1922 йили Женева конференциясига тўпланиб олтин пул низомига қайтишга қарор қилишди. Бунга айрим тузатишлар киритиш билан қайтиладиган бўлди. Чунки пул олтинга боғлаб қўйилди. Лекин шахсларнинг қоғоз пулларни олтинга алмаштириши осон бўлмайдиган бўлди. Энг кам вазн сифатида вазни белгилаб қўйилган олтиндан муайян қийматгагина алмаштириладиган бўлди. Кимки марказий банкдан олтин олмоқчи бўлса, энг кам қийматга, яъни муайян вазндаги олтин ёмбига алмаштириладиган бўлди. Чунки банк ўзининг олтин захирасини энг кам муайян оғирликдаги олтин ёмби шаклида сақлайдиган бўлди. Масалан Франциядаги энг кам миқдор 12 кг. оғирликда бўлиб, унинг нархи 215 минг франк эди. Бу эса, жуда катта миқдордир. Шунинг учун фақат ташқи савдогагина ишлатиладиган бўлиб қолган жуда катта миқдордаги қоғоз пулга эга бўлган

кишиларгина кучи етадиган бўлиб қолган олтинга эга бўлишга шахсларнинг қурби етмайдиган бўлиб қолди.

Бироқ, олтин низомига қайтишга уриниш 1929 йилги «буюк депрессия» сабабли узоқ давом этмади. Бу пайтга келиб акциялар баҳоси тушиб кетиб, акционерлар ўз акцияларидан тезроқ қутулишга киришишлари натижасида, қоғоз пулга бўлган талаб кескин ортиб кетди. Бу эса, ўз навбатида, қоғоз пулларни олтинга алмаштиришга қаттиқ таъсир қилди. Дунёнинг барча давлатлари олтиннинг ўз қоғоз пулларига алмаштиришни тўхтатиб қўйди ва пулни олтинга алмаштирмасдан қоғоз пулларнинг муомалада юришини мажбурий қилиб қўйишга қарор қилди. Биринчи бўлиб буни 1931 йили Британия, 1933 йили Америка, 1936 йили Франция жорий қилди. Шундан кейин қолган давлатлар ҳам мана шу йўлни тутди. Пул муомаласи иккинчи жаҳон уруши ниҳоясига қадар беқарор бўлиб қолаверди.

Уруш тугагач, 1944 йил 22 июлда бир неча давлатлар АҚШда Бреттон Вудз конференциясига тўпланиб, пулни қайта олтинга боғлашга қарор қилишди. Лекин бу сафар олдингисидан ўзгача бўладиган бўлди.

Бу конференциянинг энг кўзга кўринган қарорлари қуйидагилар бўлди:

1 – Аъзо давлатларга ўз пулини яна олтинга боғлаш шарт қилиб қўйилди, яъни ҳар бир давлат ўз пул бирлигининг соф олтиндан муайян вазнини белгилаб қўядиган бўлди. Бироқ, шахсларга ёки қоғоз пул ўрнига олтин беришни марказий банкдан талаб қиладиган ҳар қандай ташкилотга эркин алмаштириш ҳуқуқи берилмайдиган бўлди. Бироқ хорижий жамғармаларга нисбатан фақат долларгина олтинга алмаштириб бериладиган бўлди. Бунга сабаб қуйидаги икки нарса эди:

Биринчи: Америка иккинчи жаҳон урушидан дунёдаги энг катта олтин жамғармасига эга бўлиб чиқди. Ўшанда унинг миқдори 38 миллиард доллар деб баҳоланди. Ундан Америкада 25 миллиарди, яъни дунёдаги олтиннинг қарийб учдан икки қисми мавжуд эди.

Иккинчи: Бунга Американинг дунё устидан сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ҳукмрон бўлиш истаги сабаб бўлди. Чунки давлатлар ўзининг бутун пул жамғармасини олтин билан эмас, балки, Америкада босиб чиқарилган қоғоз пул, яъни доллар билан сақлашга мажбур бўладиган бўлди. Америка талаб қилинган пайтда бу қоғоз пулларни олтинга алмаштириб бериш мажбуриятини оладиган бўлди. Бу эса, ўз банкларида олтин ўрнига америка қоғоз пулини жамғарма қилиб сақлайдиган бошқа давлатларни Америка билан муайян сиёсий ва иқтисодий муносабатларни сақлаб туришга мажбур қилиб қўйди. Улар америка қоғоз пулининг олтинга алмаштириш нархининг барқарор

туришини кафолатлаш учун шунга мажбур эди. Америка долларнинг олтинга алмаштириб бериш курсини бир унция олтинга 35 доллар қилиб белгилаб қўйди.

Бреттон Вудз низоми олтинга алмаштириб бериш низоми, деб аталди. Чунки бу низом бўйича давлатларни ўз жамғармаларида олтинга алмаштира бўладиган қоғоз пулни, яъни долларни сақлаши белгилаб қўйилди. Талаб қилинган пайтда Америка томонидан белгиланган нархда долларни олтинга алмаштириб бериладиган бўлди. Фунт стерлинг ҳам қайсидир даражада алмаштиришга яроқли бўлиб турди. Лекин бу ҳол узоқ давом этмади.

2 – Аъзо давлатларга ўз пулининг алмашинув курсини барқарор ушлаб туриш шарт қилиб қўйилди. Буни шу давлатлар йўлга қўядиган муайян сиёсатлар билан амалга ошириладиган бўлди. Бу сиёсатлар олтиндан ва олтинга алмаштиришга яроқли бўлган долларлардан иборат қоплам (таъминот) билан мутаносиб бўлиши шарт эди. Конференцияда бу нархнинг 1% чегарада қалқиб туришига рухсат берилди. Акс ҳолда давлатлар уни ўз ҳолига қайтариш учун аралашадиган бўлди.

3 – Конференция куйидаги икки халқаро ташкилотни тузишга қарор қилди:

Биринчи: Халқаро валюта фонди. Бу валюта фондининг энг кўзга кўринган мақсади халқаро пул барқарорлигини таъминлаш, алмашинув курс барқарорлигини таъминлаш ва аъзо давлатларнинг ўзи қўшган хиссаларига қараб шу фонд маблағидан бемалол олишини таъминлашга ҳаракат қилиш. Фонд аъзо давлатларга уларнинг тўловлар балансидаги бузилиш қўламини қисқартиришга ёрдам бериш учун ўзидаги маблағлардан беради.

Бу фонд унинг қарорларига Америка хўжайин бўладиган шаклда тузилди. Чунки улар аъзо давлатларнинг қанча овозга эга бўлишини шу фондга қўшадиган хиссаларига боғлиқ қилиб қўйишди. Чунки Америка энг катта ҳисса (27,2% сармоя) қўшгани боис демак бу фонд қарорлари Америка истаги бўйича чиқариладиган қарорлар бўлади.

Иккинчи: Жаҳон реконструкция банки ташкилоти. Унга фақат халқаро валюта фондига аъзо бўлган давлатларгина аъзо бўлиш ҳуқуқига эга. Унинг энг кўзга кўринган мақсади куйидагичадир: Уруш вайрон қилган нарсаларни қайта тиклаш, иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлган давлатларга ёрдам бериш, қарзлар ва грантлар беришдан иборат. Унда қанча овозга эга бўлишни худди валюта фондидагидек қилиб қўйишди. Яъни унда ҳам Американинг ҳукмронлиги таъминланди.

Бреттон Вудз конференциясининг энг кўзга кўринган қарорлари мана шулардир. Бу конференция олтинга алмаштириш низомини тасдиқлади.

Бу низом бўйича муомала юритиш Америка 1971 йил 15 августдаги машхур қарори билан уни бутунлай бекор қилгунига қадар давом этди. Ўша қарор бўйича долларнинг олтинга алмаштирилиши бекор қилинди.

Шундан кейин пул номинал асосда (устига ёзилган баҳоси асосида) ишлатиладиган бўлди. Ва унга «шаклидан ва навидан қатъий назар, қонун туфайли молиявий айирбошлашнинг умумий воситаси бўлиб қоладиган ҳар қандай модда-восита» деб таъриф берилди. Бинобарин, муомалада юриши мажбурий қилиб қўйилган қоғоз пуллар муомалада юрадиган бўлди. Уларнинг қиймати давлат қонуни билан белгиланадиган бўлди. Уларнинг қиймати кўтарилиши ё тушиши давлатнинг иқтисоди, сиёсати, ва бу тўғрида амалга оширадиган тадбир-чоралари, масалан ўз савдо балансини ва тўловлар балансини идора қилиш каби ва шунга алоқадор бошқа нарсалар каби ишларга қараб бўлади.

Иккинчи омил: Тўловлар баланси

У ишларнинг табиатидан қатъий назар, маълум давр мобайнида бир давлат билан бошқа давлатлар ўртасида амалга оширилган ҳамма тўловларнинг умумий ҳисоб-китобидир.

Баланс қуйидаги икки томондан вужудга келади:

Биринчи томон (кредитор, яъни қарз берувчи) – киримлар – бу томон (ҳозирги иқтисодий низомларга кўра) қуйидагилардан ташкил топади:

1 – Кўзда тутилган экспортлар. (Бунга хорижга экспорт қилинган барча товарлар киради).

2 – Кўзда тутилмаган экспорт моллари. (Бунга муқим яшаб қолган ажнабийларга ёки сайёҳларга сотиладиган товарлар ва уларга кўрсатиладиган хизматлар, мамлакатдаги ажнабий дипломатик корпуслар сотиб оладиган нарсалар, ажнабий йўловчиларнинг сафар харажатлари ёки уларга пули маркази давлатда жойлашган ширкатларга тўланадиган товарларни етказилиб бериш харажатлари, филмлар, телеграф, телефондан, идорий... фан, санъат соҳасидаги мукофотлар, ажнабий фуқароларнинг маҳалий ширкатларга тўлайдиган суғурта тўловлари, фуқароларга ажнабий ширкатлар томонидан тўланадиган компенсациялар, мамлакатимиздаги чет эллик талабаларнинг сарф харажатлари ва шунга ўхшашлар киради).

3 – Чет элдан бериладиган қарзлар, яъни давлатга бошқа давлатлар берадиган қарзлар.

4 – Ажнабий фойда ва тушумлар, яъни давлатга бошқа мамлакат берадиган фойда ва тушумлар.

5 – Давлат ёки унинг фуқаролари бошқа давлатлар ва уларнинг фуқароларидан оладиган совға-саломлар.

Иккинчи томон (дебитор, яни қарз олувчи) – тўловлар – унинг энг кўзга кўринган қисмлари куйидагилар:

1 – Кўзда тутилган импортлар. (Бунга хориждан олиб келинган барча импорт товарлари киради).

2 – Кўзда тутилмаган импортлар. (Бунга давлатнинг хорижда вақтинчалик яшаётган фуқароларига ёки сайёҳ фуқароларига сотиладиган товарлар ва кўрсатиладиган хизматлар, хорижий транспорт ширкатлари тарафидан давлатнинг хориждаги фуқароларига бериладиган транспорт харажатлари ва уларга товарларни етказиб бериш харажатлари, хорижда таълим олаётган талабалар харажатлари, давлатнинг дипломатик корпуслари воситасида ажнабийлардан товар ва хизматларни сотиб олиш, филмлар, телеграф, почта, телефон даромадлари, чет эл ширкатларининг суғурта мукофотлари, миллий ширкатлар томонидан ажнабийларга бериладиган компенсациялар ва шунга ўхшаганлар киради).

3 – Хорижга бериладиган қарзлар.

4 – Хорижга бериладиган фойдалар.

5 – Хорижга бериладиган совға-саломлар ва ёрдамлар.

Тўловлар баланси давлатдан бошқа давлатларга пулларнинг ҳақиқий ҳаракатини акс эттиради ва ҳеч бир ҳолда хориждан давлатга бериладиган ва давлат бериши лозим бўлган нарсаларнинг ҳамма қийматини акс эттирмайди.

Муайян йил учун кўзда тутилган экспортлар ва кўзда тутилган импортлар баланси – савдо баланси, деб аталади. Кўзда тутилган ва тутилмаган экспорт моллари ҳамда кўзда тутилган ва тутилмаган импорт моллари эса – тўловлар балансидаги жорий операциялар, деб аталади.

Савдо баланси – яъни экспорт ва импортлар банди – гарчи ана шу бандларнинг энг муҳими бўлиб, кўп ҳолларда умумий сумманинг учдан иккисига яқинини акс эттирса-да, бироқ, тўловлар баланси савдо балансини акс эттирмайди, чунки у бошқа элементларни ҳам ўз ичига олади. Масалан, Германиянинг 1925 йилдаги тўловлар баланси ўзаро тенг бўлди. Бунга унинг экспортлари импортларидан ошиб кетгани ёки тенг бўлгани эмас, балки 900 миллион маркага етган қарз олгани бўлди. Шунингдек, Американинг 1929 йилдаги тўловлар балансида дефицит (камомад) бўлди. Унинг савдо балансида дефицит борлиги сабабли эмас, балки, Қўшма Штатлар чет эл валюталардан иборат қиримларидан катта миқдорини хорижда инвестиция қилиб ётқизгани сабабли шундай бўлди. Шунинг учун демак тўловлар балансида дефицит ёки ўзаро тенглик бор дейиш учун шунга алоқадор барча элементларни пухта ўрганиб чиқиш зарур бўлади. Ундаги ўзаро тенгликни қайта тиклаш учун экспортни

кўпайтириш лозим, ёки кўпроқ қарз олиш лозим, ёхуд кўпроқ инвестиция киритиш лозим, деган хулосага келишдан олдин, аввало, барча элементларни ўрганиб чиқиш зарур бўлади.

Пул ва тўловлар баланси воқелигини билиб олганимиздан кейин энди бизга иқтисодий кризис юз бериш эҳтимоли пул ва тўловлар баланси воқеси натижаси сифатида куйидаги равишда юзага келиши аён бўлади:

1 – Иқтисодий кризислар – пул воқесининг натижасидир:

Олам ўзининг пул муомаласида олтин қондаси низоми асосида юрган пайтда иқтисодий гуллаб-яшнаш ва пул барқарорлиги даврини бошидан кечирган эди. Қачон бундай низом йўқ бўлиб, унинг ўрнини олтинга алмаштириш низоми эгаллагач, пул билан боғлиқ беқарорликлар пайдо бўла бошлади. Ҳатто пул барқарорлиги даврлари жуда кам учрайдиган ҳолат бўлиб қолди. Шундан кейин олтинга алмаштириб бериш низоми ҳам бекор қилинди ва фақат мажбурий қоғоз пуллар билан муомала қилинадиган бўлди. Бу эса ахволни баттар ёмонлаштирди ва кризис кетидан кризислар рўй бера бошлади.

Олтин қондаси низоми барқарор алмашинув курсини таъминлаган эди. Чунки ҳар бир давлатнинг пул бирлиги ё олтин эди ёки олтин билан бир хил қийматга эга бўлган, исталган пайтда олтинга алмашишга яроқли бўлган ва олтин ўрнини босувчи қоғоз пул эди. Шунинг учун ҳам, давлатлар пуллари ўртасидаги алмашинув курси барқарор эди. Чунки у умум этироф этилган олтин бирлигига мансуб эди. Масалан, Ислонда динор 4,25 грамм олтин билан белгиланган бўлса, Британия фунт стерлинги қонун бўйича икки грамм соф олтин билан белгиланди, француз франки эса бир грамм олтинга тенг бўлди ва ҳоказо. Шунинг учун ҳам алмашинув курси барқарор бўлди.

Бу низом ичкарида ҳам, ташқарида ҳам унинг пул бирлиги қийматини мустаҳкамлади. Бунга далил шуки, 1910 йилда олтин нархларининг рекорд рақамлари 1890 йилдаги даражанинг ўзига яқин бўлди.

Аммо бу низом бекор қилинганидан кейин кризислар эътиборни тортадиган тарзда юз берадиган бўлди:

Биринчидан: Олтинга алмашинув низомидаги кризислар.

Кризисларнинг кўзга ташланиши мана шу низом бекор қилинганидан сўнг пайдо бўлди.

Бу низом бўйича доллар олтинга қўшимча равишда марказий банклардаги жамғарма сифатида ишлатиладиган бўлди. Бреттон-Вудс конференциясига кўра, бир унция олтин 35 доллар, деб баҳоланди.

Бу низом бўйича бошқа давлатлар Американинг «рахм-шафқатига» қарам бўлиб қолди. Чунки Америка ўзининг тўловлар балансидаги бузилишни етарли олтин қоплами (таъминоти)сиз қўшимча қоғоз

пулларни (долларларни) босиб чиқариш билан ҳал қилиши мумкин эди. Бу авж олгани сайин унинг долларларини олтинга алмаштириш имконияти камайиб бораверди. Бу ҳол иккинчи жаҳон урушидан кейин ва Маршалл режасидан кейин амалда юз берди. Чунки Америка муомалада юрган ҳамма долларларни олтинга алмаштиришни бекор қилди ва Америка итқарисида эмас, фақат хорижда муомалада юрган долларларнигина олтинга алмаштириш мажбуриятини олди. Кризисни шундай ҳал қилди. Чунки ундаги мавжуд олтинлар хориждаги муомалада юрган долларларни таъминлашга етар эди, холос. Шундан кейин бора-бора Американинг олтин жамғармаси камая бошлади ва ниҳоят 1961 йилда яна бир кризис бошланди. 1965 йилда Американинг олтинлари хориждаги долларларни Бреттон-Вудс конференциясида кўрсатилган расмий нарх бўйича алмаштиришга етмай қолгач кризис янада авж олди. Шунда бошқа давлатларнинг доллар жамғармалари ҳам ўзининг номинал қийматидан тушиб кетди-да, иқтисодий бекарорлик юз берди.

Америка 1958 йилнинг декабридан 1960 йил январигача бўлган муддат оралиғида ўзининг олтин жамғармаларидан тўрт миллиард зиён кўрди. Хориждаги долларлари миқдори ошиб кетиши натижасида шундай зарар кўрди. Доллар миқдори ошиб кетиши натижасида унга бўлган ишонч камайиб, олтинга ва уни жамғаришга бўлган талаб ортиб кетди. Банкларнинг ўзларидаги долларларни олтинга алмаштиришга бўлган талаби ҳам кучайди. Банклар тўловлар балансини олтин билан эмас, доллар билан тўлай бошлади.

Қуйидаги жадвалдан 1946 – 1965 йиллар ўртасида долларнинг олтин билан таъминланиши қай даражада пасайганлигини билиб олиш мумкин. (Рақамлар миллиард долларни билдиради).

Йил	1946	1949	1957	1960	1965
Америкадаги олтин жамғармаси	20,6	24,5	22,8	18,8	14
Хориждаги расмий ва хусусий долларлар жамғармаси	1,6	6,4	14,6	18,7	25,2

Долларни олтин билан таъминлаш натижасида Америка дунёнинг етакчи давлатларидан ўзига ёрдам беришларини талаб қилди. Шундан сўнг олтин гуруҳини тузишга келишиб олинди. Бу гуруҳнинг вазифаси,

бирон сабабга кўра, бозорда олтиннинг нархи кўтарилиб кетгудек бўлса банклар шошилишч аралашидан иборат эди. Банклар нархни мувозанат даражасига қайтариш учун сотувга қўшимча олтинни ташлайдиган бўлди. Бунинг акси юз берадиган бўлса, яъни нарх пасайиб кетса у холда шошилишч ортиқча олтин миқдори сотиб олиниб нарх аввалги даражасига кўтариладиган бўлди. Бу гуруҳ шу тарзда бир неча йил давом этди. Лекин аста-секин у бозорга тумшугини тикиб аралаша бошлади. Хусусан 1965 йил ўртасида шундай бўлди. Бу хол шу гуруҳ 1968 йил 17 мартда тугатилгунига қадар давом этди. Бу иш аъзо давлатларнинг олтин жамғармаларини аста-секин тугаб битиши билан таҳдид сола бошлади. Натижада Франция 1967 йил июн ойида бу гуруҳдан чиқиб кетди. Шундан сўнг 1967 йили кузида фунт стерлинг кризиси, 1968 йили эса олтин кризиси авж олди. Мана шу икки кризис олтин гуруҳи давлатларининг олти ой ичида 2,5 миллиард олтин доллар зарар кўришларига сабаб бўлди. Шундан сўнг бу давлатлар 1978 йил 18 мартда Вашингтонда учрашув ўтказиб, олтин гуруҳини бекор қилишга ва олтин нархини талаб ва таклифга қараб белгиладиган қилиб эркин ташлаб қўйишга қарор қилди.

Мазкур олтин кризиси Американинг 1965 йилги 14 миллиард олтин жамғармасининг 1968 йил март ойида, олтин гуруҳи бекор қилинган пайтга келиб 10,48 миллиардга камайишига сабаб бўлди. Американинг бу олтин жамғармаси бу пайтга келиб долларнинг ички таъминот қоплами учун қонунда кўрсатилган лозим миқдорнинг энг паст даражаси эди (25%). Шундан сўнг Америка хориждаги хусусий сектор эга бўлган долларларни олтинга алмаштириб беришни бекор қилди ва фақат хориждаги расмий жамғармаларнигина олтинга алмаштиришни қолдирди. Яъни долларнинг ичкаридаги олтин таъминоти (25%) олиб ташланди. Аммо у хорижий расмий жамғармаларни олтинга алмаштириб беришга берган ваъдасида ҳам содиқ қололмади. Бунга унинг хусусий секторлар билан қилган экспорт ва импорт алоқалари ва давлат секторининг бошқа давлатлар билан қилган алоқасидаги муомалалари ҳам сабаб бўлди. Мана шуларга кўра, Америка 1971 йилда долларни олтинга алмаштириб бериш низомини бутунлай бекор қилишга қарор қилди.

Юқорида айтилган гаплардан аён бўладики, олтинга алмаштириб бериш низоми натижасида келиб чиққан кризисларнинг оқибати ёмон бўлади; Бунинг устига, мана шу низом, яъни жамғарма қилиб қўйиладиган пул (доллар) эгаси Америка бошқа давлатларнинг зарарига ўз манфаатини таъминлаш учун ортиқча долларларни босиб чиқариб олам иқтисодида беқарорликни келтириб чиқара олади. Бунинг

оқибатида ана шу давлатлар ўз хазиналаридаги балансларни тўғрилаб олишда қийин аҳволга тушиб қолади. Бошқача айтганда, Америка тўловлар балансидаги ҳар қандай камомад мана шу давлатлар елкасига юк бўлиб тушади. Бу ҳам етмагандай, Америка уларнинг пулларини олтинга алмаштирилишини қисман ёки бутунлай бекор қилди. Бинобарин, бу давлатларнинг доллар захиралари паст нисбатга тушиб қолди, бу эса, ўз навбатида, давлатларнинг иқтисодий режаларига салбий таъсир кўрсатди. Бундай аҳволни Де Голл яхши ҳис қилган эди. У ўзининг 1965 йилдаги машҳур нутқида шундай деган эди: «Доллар илгари олтин билан таъминланган эди, ҳозир у энг паст миқдорда, 20% таъминланган. Агар давлатлар ўз доллар жамғармаларини мана шу 20% миқдорда алмаштирмоқчи бўлишган тақдирда ҳам, Америка бу нархда алмаштириб беролмайди. Шунинг учун бундай низомни олтин қондаси низоми билан алмаштириш лозим».

Демак, олтинга алмаштириб бериш низомида пул кризислари юзага келиши кутилган ҳолдир. Чунки бошқа давлатлар долларнинг олтинга нисбатан курсини сақлаб туришга мажбур. Буни шу давлатларнинг марказий банклари ўзидаги олтин захиралари орқали аралашуви билан амалга оширилади. Энг хатарли кризис жамғарма қилиб қўйиладиган пул эгаси бўлган Америка қачон бу пулни олтин билан боғлиқлигини бекор қилишга қарор қилган пайтда юз берди. Натижада бошқа давлатларнинг мана шу қоғоз пулдан иборат жамғармалари ўзининг олтин қийматини йўқотди. Натижада доллар қанчалик пасайса бу давлатлар пуллари қиймати ҳам шунчалик пасаяди, бундан кўпроқ пасайиши ҳам мумкин.

Иккинчидан: Мажбурий қоғоз пуллар низомидаги кризислар.

Бу низом шароитида кризислар тобора тезлашаверади. Чунки давлатларнинг ўзаро сиёсий ва иқтисодий рақобатлашуви, хусусий бозорлардаги чайқовчиликлар, давлатларнинг бошқа давлатларга товар экспорт қилиши ёки улардан товар импорт қилиши, қарз олишга бўлган эҳтиёжи ва бошқалар валюталарнинг кўтарилиб, пасайишдаги қийматига кескин таъсир кўрсатади. Бунинг оқибатида нархлар ва иқтисодий муомала барқарорлигига эришиш – агар бундай барқарорлик бутунлай йўқ бўлиб кетмаса – жуда қийин бўлиб қолади. Бундай ҳолни ҳозир маҳаллий ва иқтисодий муомалада кузатиш мумкин.

Бу низом шароитида давлатларнинг ғам-ташвиши ўз захиралари борасида бутун эътиборини сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан таъсир ўткази олувчи давлатлар валютасига қаратиш бўлиб қолади. Бу валютага муҳтож бўлганлари учун унинг барқарорлигига аҳамият беришга мажбур бўлишади. Зеро ўша давлатларда юз берадиган ҳар қандай

сиёсий ёки иқтисодий ўзгариш кризис шаклида бошқа давлатлар пулида, бинобарин уларнинг иқтисодида акс этади. Масалан, пули долларга боғланиб қолган давлатларнинг ғам-ташвиши ўз захираларини сақлаб қолиш учун доллар барқарорлигини сақлаб қолишдан иборат бўлиб қолади. Одамларнинг маҳаллий валютага бўлган талаби кучайса, бу нарса шу давлат валютасининг курси долларга нисбатан кўтарилишига олиб келади. Шунда бу давлат ўз валютасидан катта миқдорни бозорга ташлайди ва унинг ўрнига бозордан долларларни йиғиштириб олади, яъни валютасини долларга сотади. Энди бунинг акси юз бериб, одамлар маҳаллий валютадан воз кечса, яъни таклиф ортиб кетса – бундай ҳол чайқовчиликларда юз бериб туради – бунда давлат ўша ортиқча маҳаллий валютани йиғиштириб олишга киришади. Шу мақсадда ўз валютасини долларга сотиб олади, яъни давлат ўз хазинасидан долларларни бозорга ташлайди ва унинг ўрнига ўз валютасини хазинасига қайтаради. Шунинг учун валютаси долларга боғлиқ бўлган ҳар қандай давлат ўз валютасини ҳам, долларни ҳам ҳимоя қилишга мажбур. Бу юкнинг энг катта ва энг оғирини таянилади ўша ажнабий валюта соҳиби бўлган давлат эмас, балки шу валютага боғланиб қолган давлатнинг бир ўзи кўтаришга мажбур бўлади.

Бу қийинчилик ва бу оғир юк шу давлат елкасига тушади. У ўзининг ўша ажнабий валютадан иборат захирасини сақлаб қолиш учун шу юкни кўтаришга мажбур. Чунки бу ажнабий валюта қийматининг пасайиши шу давлатнинг мавжуд активлари қийматига зарар етказиши. Бунинг мисоли қуйидагича:

1 – Қувайт марказий банки 1971\1972 ва 1972\1973 йилларда доллар баҳосининг биринчи ва иккинчи марта тушиб кетиши оқибатида 79,6 миллион қувайт динори атрофида зарар кўрди. Доллар 18% атрофида тушиб кетган эди.

2 – ОПЕКка аъзо давлатларнинг фақат ликвид (тез пулга айланувчи) молиявий инвестициялари қийматининг ўзигина ўзининг номинал қийматидан 61% пасайиб кетди. Уларнинг номинал қиймати етмишинчи йиллар аввалида 78 миллиард доллар эди. 1974 йил билан 1978 йиллар орасида бу қиймат 47 миллиард долларга тушиб қолди.

3 – 1979-1980 йиллари Араб давлатларнинг нефтдан олган даромади 176 миллиард долларни ташкил қилган. Бу эса бизга доллар нархидаги ҳар қандай қалқиб келиш натижасида қанчалик зарар кўрилишини кўрсатиб турибди.

4 – Араб давлатларининг валюта захираси 1976 йил ўртасида 35,44 миллиард долларни ташкил қилди. Ва араб валюта захирасининг 87,8% га яқини ажнабий валюталарда инвестиция қилиб ётқизилди. Демак бу

захира ана шу ажнабий валюталар кийматида қалқишлар юз бериши билан қалқишга учраб туради.

Ўз захирасида ажнабий валютани сақлаб турган давлат валютасига шу ажнабий валюта бевосита таъсир кўрсатади. Бунга кўшимча ўлароқ мажбурий қоғоз пулга маҳаллий ва халқаро иқтисодий вазият ҳам тез таъсир кўрсатади. Бу билан эса бу пул бошқасидан ҳам кўра баттарроқ инфляцияга учрайди.

Олтин қондаси низоми олтинга тўла таянгани боис пул киймати барқарорлиги таъминланади.

Олтинга алмашинув низомига келсак, ҳар қандай давлатнинг пули олтинга ҳамда олтинга алмаштиришга яроқли бўлган қоғоз пулга боғланиб қоладиган бу низомда валюта киймати қисман барқарор бўлади. Бироқ, қачон жамғариб қўйиладиган ўша қоғоз пулнинг олтин захираси камайиб кетса, яъни олтинга қисман ҳам, тўла ҳам алмаштириб беришга яроқсиз бўлиб қолса, бундай ҳолатда, маҳаллий пул киймати пасайиб кетади ва ўша жамғариб қўйиладиган бошқа пул киймати ҳам пасайиб кетади.

Мажбурий қоғоз пул низоми эса вақти-вақти билан инфляцияга учраб туради. Чунки бу пул кийматини белгиловчи нарса давлатнинг олиб борадиган ички ва ташқи иқтисодий сиёсатидир. Бу сиёсатга эса бир неча омиллар таъсир кўрсатади. Бу омиллар алмашинув курслари барқарорлигини ушлаб туришни қийинлаштириб қўяди. Шунинг учун демак пул кийматининг пасайиши, яъни унинг харид қуввати заифлашишининг юз бериши эҳтимолли юқоридаги хар иккала низомдан ҳам кўра кучлироқдир.

Бунга яққол мисол ҳеч мустасносиз, барча давлатлар валютасини кийматининг қалқишларга учраётганидир. Бундан ҳатто иқтисодий жиҳатдан тараққий этган давлатлар ҳам омон қолмади. Чунки доллар, марка, иен, франк, фунт стерлинг ва бошқалар киймати пасайиб кетди.

Маълумки, инфляция нархларнинг қимматлашига олиб келади. Бунга харид қувватининг пасайиши сабаб бўлади. Бу эса иқтисодий ҳаётга жуда хатарли таъсир кўрсатади. Хусусан бу ҳол бир-бирига яқин даврларда давом этса шундай бўлади.

Пул ўзаро келишилган барқарор бирликка мансуб бўлмагани боис мажбурий қоғоз пул низоми давлатлар ўртасидаги тил бириктирувлар ва чайқовчиқларга йўл бўлиб қолади. Масалан мана бу давлат ўз экспортларини ошириш учун ўз валютаси кийматини пасайтирса, анави давлат ўз пулининг фойда ставкасини одамларнинг шу пулда қўйган омонатларга нисбатан кўтариб қўяди. Фуқаролардан жамғармаларни ўз

қўлига хазина қилиб йўғиб олиш учун ва хориждан сармояларни жалб қилиш учун шундай қилади.

Пулнинг қалқишлари савдо ишлари билан қоришиб кетди. Чунки муайян пулдаги фойда ставкаси кўтарилиб кетса ёки бирон давлатнинг иқтисодий вазияти яхшиланса одамлар тижорий инвестициядан банклардаги кучли ставкали пулни жамғаришга ўтиб оладиган бўлди. Бундай ҳол 1987 йил 19 октябр душанба куни Уолл-Стритда биржалар қулаган пайтда содир бўлди. Чунки акциялар нархлари 20%дан ҳам кўпроқ тушиб кетди. Бу тўғрида ҳар хил иқтисодий таҳлиллар қилинди. Аммо Американинг доллар фойда ставкасини кучли шаклда кўтариб қўйиш нияти борлиги ҳақида тарқалган миш-мишлар шунга сабаб бўлди, деган таҳлил ҳақиқатга яқинроқдир. Чунки Америка матбуотида Америка молия вазири билан Германия молия вазири ўртасида содир бўлган келишмовчилик ҳақидаги хабар чиқиб қолган эди. Хабарда айтилишича, Америка молия вазири долларнинг процент ставкасини кўтариб қўйиш билан ўз ҳамкасбига таҳдид қилган. Чунки Германия молия вазири марканинг процентини кўтариб қўйган эди. Бу эса акциядорларни шароит ўзгармай туриб, қулай фурсатдан фойдаланиб, осонроқ фойдани ва афзалроқ жамғармани қўлга киритиш учун қўлларидagi акцияларидан тезроқ қутилишга ундади. Франция молия вазири бу кризис сабаби ҳақида гапирганида шуни айтди.

Ана шу кризисдан кейин айрим ғарб давлатларининг молия вазирлари асосий валюталар алмашинув курсини товарлар «савати», курслари билан, жумладан олтин курси билан боғлаб қўйишни таклиф қилишди. Яъни буни Бреттон-Вудс низомига «адолатли» қайтиш, деб ҳисоблаш мумкин.

Шунча молиявий кризислар юз берса ҳам дунё ҳамон мажбурий қоғоз пул билан муомала юрийтиб келяпти. Бунга сабаб зарар кўраётган кўпгина давлатлар ҳисобига шу низомдан фойда кўраётган айрим давлатларнинг тўғаноқ бўлиб турганидир. Бу давлатлар ўзларининг сиёсий ва иқтисодий нуфузлари бошқалар устидан ҳукмрон бўлиб қолавериши учун шундай йўлни тутмоқда. Бу давлатларнинг пули қолган давлатларнинг марказий банкларида мавжуд эканини эътиборга олинса уларнинг нуфузи сақланиб қолаверади. Бу эса ана шу қолган давлатларнинг сиёсий ва иқтисодий вазиятига ўша давлатлар нуфузи таъсир қилишига олиб келади.

Шунинг учун ҳам бу давлатлар бу низомни ўзгартиришга қарши турибди. Чунки бу давлатлар муносиб олтин қоплами (таъминоти)га эга эмас. Чунки агар олтин қойдаси низомига қайтиладиган бўлса барқарор валюта деб аталмиш пул эгаси бўлган ҳозирги давлатларнинг

бошқалардан ҳеч қандай устуңлиги қолмайди. Модомики тўғри муолажа қилинмас экан мана бу мажбурий қоғоз пул низомининг давом этавериши натижасида олам қайта-қайта юз бераётган бу кризислардан азият чекаверади.

2 – Иқтисодий кризислар тўловлар баланси натижасидир:

Биз тўловлар баланси икки томондан, дебитор ва кредитор томонлардан амалга ошишини айтиб ўтдик. Вазият барқарор бўлиб туриши учун баланснинг ҳар иккала томони тенг келиши лозим. Аммо кўп ҳолларда бу нарса амалга ошмайди. Бу ҳол кўпроқ деярли барча давлатларнинг иқтисодий вазиятида юз беради.

Киришлар тўловлар қийматини қошлашга етмай қолган вақтда дефицит (камомад) бошланади. Бу камомад келиб чиқишининг кўпгина сабаблари, жумладан қуйидаги сабаблари бор:

1 – Капиталистик импортлар ҳажмининг (асбоб-ускуна ва қурилиш моллари импортининг) кенгайиши. Лекин булардан маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарда яхши фойдаланилмайди.

2 – Асосий истеъмол товарларини кўплаб келтириш. Маҳсулот ишлаб чиқарадиган асбоб-ускуналарнинг кучсизлиги ва ана шу товарларни ишлаб чиқаришдан ожизлиги туфайли шундай бўлади. Натижада давлатлар шу товарларни импорт қилиб келтиришга мажбур бўлади, сўнгра бунга зарурий бўлмаган товарларни импорт қилиб келтириш ҳам қўшилади.

3 – Сармояларни экспорт қилишнинг, яъни хорижда инвестиция ётқизишнинг ёки хорижга қарз беришнинг кенг тус олиши натижаси.

4 – Фақат бир томондан амалга оширилган операциялар (уруш компенсациялари ва контрибуциялар) натижасида юзага келган камомад.

5 – Инвестиция сиёсатиға таяниш ва кўнғил очар истеъмол секторларига ёки деярли шунга ўхшаш секторларга хизмат қиладиган нарсаларни ишлаб чиқариш;

6 – Иқтисодий ва сиёсий беқарорлик туфайли сармояларнинг чиқиб кетиши.

7 – Давлат аппаратида бўлсин ёки давлат муассасаларида бўлсин, идорий коррупциянинг авж олганлиги ва унинг жамиятда безовталиқ ва ишончсизликдан иборат бузуқ муҳитни келтириб чиқараётгани, бу эса айрим фуқароларнинг ўз жамғармалари хавфсиз бўлиши учун ўз пулларини хориждаги банк ҳисобларига омонат қўйишга мажбурлаётгани.

8 – Доллар ва бошқа хорижий валюталар курсининг қалқиб туриши ҳамда захирадаги валюта қийматининг тушиб кетиши. Бу билан эса давлат захираларининг ҳақиқий қиймати камайиб кетади, бинобарин,

муайян маблағга олиб келиш мумкин бўлган импорт молларни олиб келиш учун қўшимча маблағлар тўлаш зарур бўлади.

Бошланишда камомад, агар кўпайиб кетмаган бўлса, уни бартараф қилиш мумкин. Давлат агар ўзининг тўғри иқтисодий сиёсати режасини ишлаб чиқса буни бошланишдаёқ бартараф қилиши мумкин. Аммо давлат тўловлар балансини яхшилаш учун экспортларни қайта кўпайтириб, импортларни камайтиргунга қадар ҳамда сиёсатлар ва тадбир-чораларни ишлаб чиққунга қадар унда камомадни вақтинчалик муолажа қилиши учун нақд пул етишмайдиган бўлса, камомад кризисга айланиб кетади.

Нақд пул, дегандан мақсад давлатнинг ўз камомадини ёпиши учун керак бўладиган тайёр маблағлари демакдир. У давлатнинг олтиндан ва хорижий валютадан иборат захираси, шунингдек, давлатнинг олтиндан («олтин бўлағи» шаклида) халқаро валюта фондига берадиган улушидир. Чунки халқаро валюта фондига аъзо ҳар бир давлат ўз улушининг тўртдан бирини олтин шаклида ёки ўзи расман эга бўлган олтин ва долларнинг 10%ини айни фондга тўлаши лозим бўлади. «Олтин бўлағи», деб шуни айтилади.

Юқорида айтиб ўтилганлардан кризислар валютада ва тўловлар балансида қандай юз беришини билиб олдик. Бу ерда бойликни инсонлар ўртасида ёмон тақсимлаш натижасида келиб чиқувчи учинчи кризис ҳам мавжуд. Бу ерда пул кризиси ҳам ва ҳатто тўловлар баланси натижаси бўлган кризис ҳам келиб чиқмаслиги мумкин. Шу маънодаки, қиримлар тўловларни қоплайди. Лекин бу қиримлар фақат бир ҳовуч қимсаларнинг эҳтиёжини қондириш учун бўлаётган чикимларни қоплашгагина кетмоқда. Масалан, айтайлик, бир давлат бир миллион динар маблағга тенг нефтни экспорт қилади сўнгра шу маблағга ўзининг фуқаролари эҳтиёжига етадиган буғдойни импорт қилиб олиб келади. Натижада савдо баланси, бинобарин, тўловлар баланси ҳам тўғри бўлади. Аммо бу буғдой ўзгача тартибда сарфланса, яъни уни молиявий имкони бор бир неча кишиларгина сотиб олса, бошқаларнинг эса уни сотиб олишга қудрати етмаса, у ҳолда янги кризис бошланади. Бойликни фуқаронинг ҳаммасига тақсимламаслик ва асосий эҳтиёжларини қондириб олишларига имкон яратмаслик натижасида шу кризис келиб чиқади. Натижада умматда қашшоқлик келиб чиқади.

Хулоса қилиш мумкинки, демак, содир бўлиши кутилаётган ва муолажа талаб қиладиган кризислар учта экан:

- 1) Пул низомидан келиб чиққан кризис;
- 2) Тўловлар баланси натижасида келиб чиққан кризис;

3) Бойликни одамларга тўғри тарзда тақсимламаслик натижасида, яъни ёмон тақсимлаш натижасида келиб чиққан кризис.

Иқтисодий кризисларни муолажа қилиш:

Юқорида иқтисодий кризислар воқеини баён қилиб ўтганимиздан сўнг, энди айти кризисларни баргараф қилиш учун зарур бўлган муолажаларни баён қиламиз.

Биринчи: Бугунги пул низоми оқибатида келиб чиққан кризисни муолажа қилиш.

Юқорида молиявий кризис олтинга алмаштириб бериш низомида ҳамда мажбурий пул низомида содир бўлиш мумкинлигини айтиб ўтдик. Айтиб ўтганимиздек, кризисларга бутунлай барҳам бериш учун албатта олтин низомига қайтиш лозим. Бунда бевосита олтин билан муомала юритиладими ёки олтин ўрнига чиқарилган ва ҳеч қандай чеклов ва шартларсиз олтинга алмаштириб беришга яроқли бўлган қоғоз пуллар билан муомала юритиладими, бунинг фарқи йўқ. Буни кўплаб иқтисодчилар тушуниб етди. Шунинг учун агар манфаатдор давлатлар, хусусан, Америка ўзларининг сиёсий ва иқтисодий ҳукмронликларини қўлдан бериб қўйишдан қўрққанликлари туфайли, олтин пул қондасига қайтиш олдида тўғаноқ бўлишмаганида эди, бутун дунё шу қондага қайтган бўлур эди. Чунки ёлғиз олтин пул низомигина барқарорликни сақлаб туради ва бир давлатнинг бошқа давлатлар устидан ҳукмрон бўлиб олишига йўл қўймай, иқтисодий фаолиятнинг гуллаб-яшнашига олиб келади. Бу низомда пул – эхтиром қилишга ва қийматини белгилаб олишга ўзаро келишиб олинган бирликка боғлаб қўйилади. Шунингдек, бу низомда давлатлар пул ҳажмини оширолмайди. Чунки улар пулдан хоҳлаганларича босиб чиқаришолмайди. Чунки давлатлар олтин захирасини ҳисобга олиб иш тутишга мажбур бўлади. Мажбурий қоғоз пуллар низоми эса бунинг бутунлай тескарисидир. Чунки мажбурий қоғоз пулларни давлатлар ўз манфаатлари йўлида хоҳлаганларича босиб чиқариша олади. Бу эса бевосита пул инфляцияси содир бўлишига ва одамларда бундай пулга ишончсизлик пайдо бўлишига олиб келади.

Аммо олтин пул низомида албатта қуйидаги шартларга риоя қилмоқ лозим:

1) Ҳамма ҳеч қандай чеклов ва шартларсиз олтинни эркин олиб чиқа олиши ва олиб кира олиши шарт. Чунки олтинни эркин олиб кириш ва олиб чиқиш алмашинув курсининг барқарорлигини таъминлайди.

2) Олтин ўрнига юривчи қоғоз пулни ҳар қандай вақтда устига ёзилган бутун қиймати билан олтинга мутлақ эркин алмаштириб берилиши шарт;

3) Сарик (олтин) маъданни эритиш ва зарб қилиш эркинлигини таъминлаш; Шунда кимнинг олтин пуллари бўлса, ҳеч қандай чекловсиз, уларни эритиши ва олтин ёмби (слигка) қилиб қуйиб олиш имконига эга бўлади. Шу билан бирга, кимнинг қўлида олтин ёмби бор бўлса, зарбхонага бориб, зарб қилиш ҳақини тўлаганидан сўнг, ёмбисини пул қилиб зарб қилдириб олишга қодир бўлади. Бу иш олтиннинг расмий баҳоси билан савдодаги баҳоси ўртасида бирорга бузилиш содир бўлишига йўл қўймаслик учун қилинади.

Бу фақат иқтисодий жиҳатдан ўрганилганда шундай. Аммо Ислом нуқтаи назаридан қаралганда эса, қуйидаги шаръий далилларга кўра, пул олтин ва кумушдан ўзга бўлиши асло дуруст эмас:

1 – Росулulloҳ ﷺнинг олтин ва кумуш Ислом давлатининг пули сифатида муомалада юришига рози бўлишлари. Шунингдек Пайғамбаримизнинг бу динор ва дирҳамлар вазнини ўлчашда қурайшликлар вазн-ўлчовига ҳам рози бўлганлари. Товус Ибн Умардан шундай ривоят қилади: Росулulloҳ ﷺ шундай дедилар:

«الْوَزْنُ وَزْنُ أَهْلِ مَكَّةَ»

«Вазн-ўлчов – Макка аҳлининг вазн-ўлчовидир». У пайтда ўн дирҳам етти мисқол, деб ўлчанган. Ҳозирги ўлчовимизда олтин динор 4,25 грамм, кумуш дирҳам 2,975 грамм бўлади.

2 – Ислом олтин ва кумушга тааллуқли муайян шаръий ҳукмларни баён қилди:

Биринчи: Олтин ва кумушни канз (ҳазина) қилиб тўплашни ҳаром қилди:

وَالَّذِينَ يَكْنِزُونَ الذَّهَبَ وَالْفِضَّةَ وَلَا ينفِقُونَهَا فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَبَشِّرْهُمْ بِعَذَابٍ أَلِيمٍ

– „Олтин-кумушни босиб, уни Аллоҳ йўлида инфоё-эҳсон йилмайдиган кимсаларга аламли азоб «хушхабарини» етказинг!“.[9:34]

Иккинчи: Олтин ва кумушни пул эканлигини ва савдо молларига тўланадиган нарх ҳамда меҳнат ҳақи эканини эътиборга олиб олтин ва кумушдан закот беришни фарз қилди.

Учинчи: Дияни пул сифатида олтин ва кумуш билан тўлашни фарз қилди:

«وَعَلَى أَهْلِ الذَّهَبِ أَلْفُ دِينَارٍ»

«...ва олтини бор кишилар минг динор (хун тўлайдилар)».

«جَعَلَ النَّبِيُّ ﷺ دِيَتَهُ اثْنَيْ عَشَرَ أَلْفًا أَى مِنَ الدَّرَاهِمِ»

«Росулulloх ﷺ унинг диясини (хунини) ўн икки минг, яъни ўн икки минг дирхам қилиб белгиладилар».

Тўртгинчи: Ўғрини қўлини – барча шартлари топилганда – кесиш учун нисоб белгилади.

«لَا تُقَطَّعُ يَدُ السَّارِقِ إِلَّا فِي رُبْعِ دِينَارٍ فَصَاعِدًا»

«Ўғрининг қўли динорнинг тўртдан биридан кам нарса ўғирласа кесилмайди».

«إِنَّ الرَّسُولَ ﷺ قَطَعَ سَارِقًا فِي مَجَنِّ قِيمَتِهِ ثَلَاثَةَ دَرَاهِمٍ»

«Росулulloх ﷺ нархи уч дирхам турадиган қалқонни ўғирлаган ўғрининг қўлини кесдилар».

Бешинчи: Пул муомалаларида саррофлик (пул алмаштириш) аҳкомларини белгилаганида олтин ва кумуш билан тайин қилди:

«نَهَى رَسُولُ اللَّهِ ﷺ عَنِ الْفِضَّةِ بِالْفِضَّةِ وَالذَّهَبِ بِالذَّهَبِ إِلَّا سَوَاءً بِسَوَاءٍ وَأَمْرًا أَنْ نَشْتَرِيَ الْفِضَّةَ بِالذَّهَبِ كَيْفَ شِئْنَا وَنَشْتَرِيَ الذَّهَبَ بِالْفِضَّةِ كَيْفَ شِئْنَا»

«Росулulloх ﷺ кумушни кумушга, олтинни олтинга фақат тенгма-тенг алмаштиришга буюрдилар, бунинг аксидан қайтардилар. Олтинга кумушни хоҳлаганимизча сотиб олишга ва кумушга олтинни хоҳлаганимизча сотиб олишга амр қилдилар».

Бошқа бир ривоятда «يَدًا قَوْلًا-قَوْلًا» дейилган.

Буларнинг барчасидан маълум бўляптики, Ислоом давлатининг пули албатта олтин ва кумуш бўлади.

Шунинг учун молиявий кризисни ҳал этиш учун олтин пул қондасига қайтиш лозим. Бунда фақат олтин пул бўлишининг ёки олтин ва кумуш пул бўлишининг фарқи йўқ. Бироқ, олтин пул низомига қайтиш ҳам муаммолардан холи бўлмайди. Халқаро монополиялар натижасида ва божхона тўсиқлари мавжудлиги туфайли, олтин ва кумушнинг жуда кўп қисми буюк давлатлар хазинасида, маҳсулот ишлаб чиқариш потенциали ошиб кетган ва халқаро савдода рақобатлашиш қудрати ҳам ошиб кетган давлатлар хазинасида тўпланиб қолганлиги боис ёки бу давлатлар иқтисодли олимлари, мутахассислари ва инженерлари билан устун бўлиб олгани боис ҳамда олтин ва кумуш низоми ўрнига мажбурий қоғоз пул низоми қабул қилингани учун олтин пул низомига қайтиш муаммоларсиз кечмайди.

Олтин ва кумуш низомига қайтмоқчи бўлган давлат бундай муаммоларни хатлаб ўтиш учун автаркия сиёсатини юритиши зарур (автаркия – хориж давлатлар иқтисодига қарам бўлмаган мустақил хўжалик яратилишга қаратилган сиёсат ва зарур нарсаларни четдан

олмасдан ўзи етказишига асосланган миллий хўжалик системаси). Шунда у четдан товар импорт қилишни камайтириб, бу импорт товарларни ўзидаги мавжуд товарлар билан айирбошлашга ҳаракат қилади. Шунингдек, бу давлат ўзидаги мавжуд товарларни ўзи мухтож бўлган товарларга ёки олтин ва кумушга сотишга ёхуд ўзига керакли бўлган товар ва хизматларни импорт қилиб олиб келиш учун ўзи мухтож бўлган валютага сотишга ҳаракат қилиши лозим.

Бу олтин ва кумуш низомига ўтмоқчи бўлган ҳар қандай давлатга нисбатан шундай. Аммо Аллоҳнинг изни билан яқинда барпо бўлиши кутилаётган Халифалик давлатига нисбатан олганда эса, масала жуда енгил кечади. Чунки Исломиёв юртларда ва у ерлардаги банкларда тўпланиб турган олтинларнинг ўзи Халифалик давлатининг олтин пул низомига ўтиши учун кифоя қилади. Бундан ташқари Исломиёв юртлардаги мавжуд кумушнинг улкан ҳажми ҳам Халифалик давлатининг олтин пул низомига ўтиши учун етарлидир (кумуш Халифалик давлатида олтин билан бир қаторда асосий пул бирлиги бўлади. Чунки Халифалик давлати пул соҳасида олтин ва кумушга, шу икки маъдан низомига таянади) Кумуш эса катта миқдорларда мавжуддир. Шунинг учун Халифалик давлатининг олтин ва кумуш низомига қайтиши осон кечади.

Бундан ташқари Исломиёв юртлар уммат учун зарурий бўлган барча хом-ашёларга бой. Бу эса умматни ўз асосий ёки зарурий эҳтиёжлари учун керак бўладиган бошқа товарларга мухтож бўлмайдиган қилиб қўяди. Бу эса Халифалик давлатини ўзининг маҳаллий товарлари билан кифояланиб, хорижий импорт товарларига эҳтиёж сезмаслигига, олтинни хорижга чиқарилиши ва ичкарида ҳам етарли қолишининг таъминланишига кафил бўлади.

Шунингдек, Исломиёв юртлари бутун дунёга зарур бўлган нефт каби муҳим товарларга ҳам эга. Халифалик давлати бу товарларини олтинга, ўзига керакли бўлган товарларга ёки хориждан товар импорт қилиши учун керак бўладиган валюта ва хизматлар эвазига сотиши мумкин бўлади. Ҳатто бу товарларни ҳеч қандай давлатга сотмасликка қарор қилишга, сотса ҳам, фақат олтин эвазигагина сотиб, ўзининг олтин захирасининг ўсишини таъминлаб олишга қодир бўлади.

Олтин пул низомига қайтиш билан барқарорликка эришилади, кризисларни ҳам, ўзга давлатларнинг валюта соҳасидаги ҳукмронлигини ҳам бартараф қилинади. Кризисдан фориг бўлишга кифоя қиладиган энг фойдали муолажа мана шу.

Иккинчи: Тўловлар баланси натижасида келиб чиққан кризисни муолажа қилиш

Юқорида кризис тўловлар балансида камомад юз берганда ёки киримлар тўловларни қоплай олмай қолганда пайдо бўла бошлашини айтиб ўтдик. Бундай ҳолатда давлат ўзидаги нақд пул етишмаслигини бартараф қилиш учун вақтинчалик муолажага киришади ва ўзининг иқтисодий вазиятини ўнглаб, тўловлар балансини тўғрилаб олиш учун сиёсий тадбир-чораларни қўллайди.

Бугунги кунда давлатлар қўллайдиган тадбир-чоралар қуйидагилар:

1 – Хориждан капитал-сармоя жалб қилиш учун бир восита сифатида бозор киримлари ставкасини ошириш;

2 – Импорт молларига солиқ солиш, бошқача айтганда, божхона тўловлари нархини ва импорт молларини камайтиришга алоқадор барча тўловлар нархини ошириш;

3 – Маҳаллий валюта қийматини пасайтириш орқали ишлаб чиқарилган маҳаллий товарларни экспорт қилинадиган хорижий давлатлар сонини ошириш; Чунки маҳаллий валюта курсининг пастлиги хорижий давлатлар учун ҳам арзон бўлади ва бу билан экспорт ҳажми ҳам ошади. Аммо давлат бу ишда бир шартга амал қилиши лозим: яъни унинг ишлаб чиқараётган товарлари катта ҳажмда экспорт қилишга тайёр туриши керак. Шунда импорт моллар миқдори ошади, экспорт товарлар ҳажми ортиши натижасида шундай бўлади. Аммо давлат экспорт учун етарли даражада товар ишлаб чиқолмаса, бу ҳолда ўз валюта курсини пасайтириши уни зиёнга олиб кириб қўяди. Бундан ташқари, валюта курсини бундай тарзда пасайтириш, нархларнинг қимматлаб кетишига сабаб бўлади. Демак валюта курсини пасайтириш – агар давлат етарли экспорт товарларини ишлаб чиқариш қудратига эга бўлса – импорт қилишнинг ошиши билан бирга экспортнинг ҳам ошишига олиб келади. Фақат бунинг учун айнан шу товарларнинг ўзини экспорт қилаётган бошқа давлатлар ўз валюталари қийматини пасайтирмасликлари шарт. Чунки пасайтиришадиган бўлса, у ҳолда вазият пасайтирмаганда қандай бўлса шундай бўлиб қолади.

4 – Табiiй бойликлардан фойдаланиш тўғрисида жиддий изланиш олиб бориш. Шу шаклдаки, иқтисод жонланиши ва шу бойликларни экспорт қилиш ортиши натижасида импортлар яхшилансин. Шу вақтнинг ўзида, давлат асосий товарларни хориждан импорт қилишга мажбур бўлиб қолмаслиги учун уларни ўзида ишлаб чиқаришга қаттиқ аҳамият бериши лозим. Мана шунда импортни камайтиришга муваффақ бўлади.

5 – Бу ўринда шуни айтиб ўтмоқ жоизки, буюк давлатларнинг айримлари ёки барчалари бошқа давлатлардан қарз олишга мажбур бўлиб қолмаслик учун ёки халқнинг салбий реакциясини пайдо қиладиган ўта

тежамкорлик тадбир-чораларига ўтмаслик учун ва ҳатто ўз валютасини пасайтириш йўлига ўтмаслик учун (чунки уни пасайтириш обрўсига путур етказди) қўллаб-қувватловчи ҳеч қандай асосга эга бўлмаган янги пулларни босиб чиқариб айрим сарф харажатларини, яъни тўловлар балансидаги камомадни ёпиш йўлига ўтади. Агар давлат шу тариқа пулни кўшлаб босиб чиқараверадиган бўлса, инфляция юзага келади, яъни пул билан товарлар ўртасидаги баланснинг бузилиши натижасида нарх-наволар кўтарилиб кетади. Одатда инфляцияни пул билан товарлар ва хизматлар ўртасида балансни (мувозанатни) қайта тиклаш билан бартараф этилади. Балансни тиклаш эса ё товарлар ва хизматларни кўпайтириш, яъни иқтисодни, хусусан ундаги ишлаб чиқариш соҳасини жонлангириш билан бўлади ёки ортикча пулни муомаладан чиқариб олиш билан бўлади. Пулни муомаладан чиқариб олиш эса фойдани кўтариб қўйиш билан амалга ошади. Шунда одамларда ўз пулларини банкларда сақлашга қизиқиш уйғонади. Ёки тижорий банклардан марказий банкка омонат қўйган жамғармалари нисбатини кўтаришни (микдорини оширишни) талаб қилиш билан амалга ошади. Ана шунда ортикча пуллар марказий банкда «музлайди» ва муомаладан олиб қўйилади. Бироқ, айна тадбирлар ёмон кўринишларни ҳам келтириб чиқаради. Чунки бу тадбирлар сармоя ётқизишни камайтириб юборади ва иқтисодий турғунлик сари туртади.

б – Ушбу чора-тадбирлардан яна бири, тўловлар балансини тўғрилаб олиш учун қарз олишдир. Мана шундан кризиснинг янги босқичи, яъни қарздорлик тузоғига тушиш бошланади. Айниқса, бу қарзлардан яхши фойдаланолмайдиган, уларни юртга даромад келтирадиган ишлаб чиқариш лойиҳаларига сарфлашни билмайдиган учинчи давлатлар, деб аталмиш ривожланаётган давлатлар кўпроқ тушиб қолади. Бу давлатлар тўловлар балансини тўғрилаб олишнинг энг осон йўли қарз олиш, деб ҳисоблайди. Чунки бу давлатларнинг аксари ўзининг асосий эҳтиёжларини қоплайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқармайди. Бу давлатларнинг экспортга ярқли товарлари гарчи бутунлай йўқ бўлмасида, лекин жуда оздир. Шу сабабли улар камомадни қарз олиш билан қоплаш мумкин, деб билишади. Агар бу давлатлар импортлар ҳажмини камайтириш учун импорт қилишга босим ўтказиш товарлар тақчиллигига, бинобарин нарх-навонинг кўтарилиб кетишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш қувватининг издан чиқишига олиб келади. Натижада ишсизлик ошади, ривожланиш тўхтаб қолади.

Шунингдек, бу давлатларнинг олгин ва чет эл валюталаридан иборат захиралари ҳажми ҳам кичик бўлгани боис камомадни ўз пул захиралари ҳисобидан қоплай олишмайди. Қолаверса, бу захираларнинг камайиши

ва уларни камомадни қоплашга ишлатилиши бу захираларни хатарга дучор қилади ва маҳаллий валюта курсини пасайишига олиб келади. Бунга қўшимча ўлароқ бу давлатларнинг кўпи ўзининг табиий бойликларидан фойдаланишга жиддий аҳамият бермагани натижасида қарз олиш йўлига ўтилади. Кризисни янада кучайтириб юборадиган нарсалардан бири қарз олиш қаторига қуйидаги уч хатарли омилнинг келиб қўшилишидир:

1 – Бу қарзларни маҳсулот ишлаб чиқариладиган лойиҳаларга йўналтирилмай балки кўнгиш очишга оид ёки шунга ўхшаш лойиҳаларга ҳамда ҳеч қандай иқтисодий фойда келтирмайдиган (ташвиқот учун мўлжалланган) бўлмағур лойиҳаларга йўналтирилиши. Бу билан эса мана шу лойиҳалар аввалги камомадни янада оширадиган яна бир қўшимча юк бўлади.

2 – Чет давлатлардан олинган қарзлар ва ёрдамларнинг катта қисми йирик мансабдор шахслар тарафидан талон-тарож қилиниши; Буни муқофотлар ва поралар орқали амалга оширишади. Бу мансабдор шахслар ўзлари ишлаётган ҳукуматда сиёсий ўзгариш бўлиши ёки давлат тўнтариши юз бериб қолишидан хавфсираб, ўзлаштириб олган бу маблағларини хавфсизлигини таъминлашга қаттиқ ҳаракат қилишади. Шунинг учун бу маблағни хорижга чиқариб юборишади-да, бу билан мамлакатларини икки марта маҳрум қилишади. Бир марта, юртнинг ички иқтисодини ўстиришга ажратилиш лозим бўлган катта қисмдаги давлат мулкини ўзлаштириб олишлари билан. Иккинчи марта, бу маблағни хорижга чиқариб юбориб, юртларини маҳаллий инвестициядан маҳрум қилиш билан маҳрум қилишади. Бу ҳақда АҚШнинг Морган Трест банки янги тадқиқот чиқарди. Унда кўрсатилишича «учинчи дунё давлатлари олган жами қарзларнинг 40-60% яна биринчи дунё давлатларига қараб йўл олган. Бу пуллар йирик мансабдорларнинг махфий махсус ҳисоблари кўринишида ёки уларнинг яқинлари номида яна биринчи дунё давлатларига қараб йўл олган. Тадқиқотда кўрсатилишича учинчи давлатларнинг саксонинчи йиллар ўрталаридаги қарзи 1 триллион 500 миллиард долларни ташкил қилган бўлса, бунинг муқобилида қарийб бир триллион маблағ биринчи дунё давлатлари банкларида, учинчи дунё давлатларининг ҳозирги ёки собиқ амалдорларнинг шахсий ҳисобларида сақланмоқда».

3 – Бу қарзларни буюк давлатлар ёки нуфузли давлатлар қарздор давлатлар устидан ўз ҳукмронлигини ўтказишда восита қилиб олишлари; Бу давлатлар ўзларининг иқтисодий ва сиёсий манфаатларига хизмат қиладиган мақсадлар учун учинчи дунё давлатларини қарз

олишга тарғиб қилувчи сиёсатларни тинмай ишлаб чиқишади. Бу қуйидаги далилларда ўз исботини топади:

а) 1963 йил март ойининг охирига ҳафтасида генерал Клей комиссияси Америка ёрдами ҳақида чиқарган ҳисоботида шундай дейилади: «Бу ёрдамлардан кўзланган мақсад ва унинг замирида ётган ўлчов – Қўшма Штатлар хавфсизлиги ва озод дунёнинг тинчлиги ва хавфсизлигидир». Демак, қарзлар қоқ давлатларга ёрдам учун эмас, балки, ўз нуфузини ёйиш учун берилади. Шу мақсадда, бу давлатлар томонидан олтишинчи йиллар бошларида Индонезияга босим ўтказилиб, у ерда тартибсизликларни келтириб чиқарди. Оқибатда Индонезияни қарз олишга мажбур қилди. Шунинг учун ёрдамлар ҳам, қарзлар ҳам бу давлатларнинг сиёсий ҳукмронликлари учун қурол вазифасини ўтади ва ҳануз ўтаб келмоқда. Масалан, Американинг тўловлар баланси деярли доим камомаддан қийланиб келаётган бўлишига қарамай, ҳар йили ёрдам ва грантларни беради.

б) ОПЕКка аъзо давлатлар 1974-1979 йилларда ўзларининг тўловлар балансидан катта процентларни қўлга киритди. Бу процентлар халқаро валюта бозорларига оқиб чиқди. Кейин халқаро тижорат банклари ўз ҳукуматларининг қизиқтируви билан нефт процентларини қайта айлангириш яъни жамғармаларни тўловлар балансидаги камомаддан қийналаётган ривожланаётган давлатларга қарз бериш йўлини тутадиган бўлди. Бу қарзлар нисбатан пастроқ процент ва енгил шартлар билан бериладиган бўлди. Бу эса ривожланаётган давлатларни кўпини ўз тўловлар балансини таъминлаш учун янада кўпроқ қарз олишга қизиқтириб қўйди. Бироқ, тижорат банклари ривожланаётган давлатларга қарз бериш хатаридан ўзини ҳимоялаш учун Нью-Йорк ва Лондон биржаларидаги процент ставкаларининг умумий йўналишига қараб вақти-вақти билан ўзгариб турадиган қалқиб турувчи ёки ўзгарувчан процент, деб аталган нарса йўлини тутадиган бўлди. Хатарларга қарши туриш учун бу процентга бошқа нисбат ҳам қўшиладиган бўлди. Долларлик қарзлар устига қўйилган процент ставкалари 1974-78 йиллардаги 7,8%дан 1979-81 йилларда 17,5%га кўтарилганини билсак бу қалқиб турувчи процентнинг қанчалар хатарли экани аён бўлади. Яъни ана шу банклар олдин ривожланган давлатларни қарз олишга қизиқтирди сўнгра бу давлатларни тузоққа тушириб олгач қалқиб турувчи процентни ошириш билан уларга босим ўтказди.

Бу омилларнинг барчаси сабабли демак давлатлар қарз олиш учун биринчи қадам ташлашидаёқ қарздорлик тузоғига тушиб қолиб ундан қутилиши қийин бўлади. Мустамлакачи давлатлар бошқа давлатларга қарздорликдан чиқиш борасида ишлаб чиққан йўл халқаро валюта

фонди ва жаҳон банки йўлининг ўзи эканлиги бу муаммони янада чигаллаштиради. Чунки ривожланаётган давлатлар валюта фонди ва жаҳон банкига мурожаат қиладиган бўлса уларни муаммоларга лиқ тўла доира ичига киригиб қўйишади.

Қарздорлик муаммосининг тобора жиддий тус олиши қарздор давлатларни қарз хизматини (бўлиб-бўлиб тўланадиган тўловлар ва процентларни) тўлашдан ожиз қилиб қўяди. Натижада бу давлатларнинг энг катта ғам ташвиши ўз қарзларига чизиқлар тортишга уриниш ва ўз иқтисодини жонлангириш учун янги қарзлар олиш бўлиб қолади. У давлатлар бунга эришиш учун улардан Париж клуби, деб аталмиш кредитор давлатлар гуруҳи ҳамда Лондон клуби, деб аталмиш кредитор тижорат банклар гуруҳи халқаро валюта фондидан оқловчи характеристика олиб келишни талаб қиладди. Бу характеристика бу қарздор давлатлар соғлом иқтисодий йўлдан юришмоқда, деган мазмундаги ишончлилик гувоҳномасига ўхшайди. Лекин бу характеристикани бериш учун халқаро валюта фонди бу давлатларга ислохот программаларини амалга оширишни шарт қилиб қўяди. Бу ислохот программалари одатда – маҳаллий валюта қийматини пасайтириш, асосий ва зарурий товарларни қўллаб қувватлашни бекор қилиш, иш ҳақларини музлатиб қўйиш, ҳукумат тарафидан маблағ ётқизишни камайтириш, энергия, умумий хизматлар ва товарлар нархларини умумий шаклда ошириш, жамғармаларни кўпайтириш ва сармояларни жалб қилиш учун процент ставкаларини ошириб қўйиш, ташқи савдони чекловлардан озод қилиш ёки улардан чекловларни енгиллатишдан иборат бўлади.

Қарздорлик муаммосини халқаро валюта фонди орқали муолажа қилиш муаммони янада кучайтириб юборади. Чунки валюта фонди программалари қурук ҳисоб-китоб асосидаги ечимни ўз ичига олади. Яъни бу фонд масалага икки томон ўртасида баланс пайдо қилиш учун ишлатиладиган арифметик тенглама, деган этиборда қарайди-да, ортиб кетган томондан чегириш ва камайиб қолган томонга қўшиб қўйишга ҳаракат қиладди. Лекин бунда бу ечимнинг инсоннинг ўзига алоқадорлигидан кўз юмилади, ўртага ташланган бу ечимдан иқтисодий жиҳатдан азият чекаётган инсоннинг ўзига алоқадорлигидан кўз юмилади. Масалан, киримларни ошириш учун халқаро валюта фонди солиқлар солишни талаб қиладди. Ваҳоланки валюта фонди қарздор давлатлардаги солиқлар чидаш мумкин бўлган энг сўнгги чегарага – агар бу чегарадан ўтиб кетган бўлмаса – етганини яхши билади. Валюта фонди қарздор давлатлардаги нарх-наво аксар аҳоли кўтара олмайдиган даражада баланд эканини ҳам билади. Шунга қарамай нон, сут, гуруч,

ғалла, шакар, ёнилғи каби кундалик зарурий моллардан қўллаб қувватлашни олиб ташлашни талаб қилаверади. Яна бу фонд қарздор давлатларнинг экспортга яроқли товарларни ишлаб чиқариш қуввати заиф эканини ҳам яхши билади. Шунга қарамай маҳаллий валюта қийматини пасайтиришни талаб қилаверади. Оқибатда нарх-наволар янада кўтарилади ва ишсизлик кенг тарқалади. Валюта фонди товар ва хизматлар нархлари ошаётган бир пайтда иш ҳақларини музлатиб қўйишни талаб қилибгина қолмай балки гоҳида сарф-харажатларни озайтириш учун иш ҳақларини камайтиришни ҳам талаб қилади. Масалан, валюта фонди Бразилия ҳукуматига у муҳтож бўлган қарзларни бериш учун бу ҳукуматдан иш ҳақларини 20% микдорда камайтиришни талаб қилди. 1985 йил декабр ойининг ўрталарида бу фонд Нигериядан ўз валютаси қийматини 60% камайтиришни ва нефт маҳсулотларидан қўллаб қувватлашни олиб ташлашни талаб қилган бўлса, 1986 йил бошларида Судандан қўллаб-қувватловни бекор қилишни, маҳаллий валюта қийматини пасайтиришни ва нарх-наво эркин қўйиб беришни талаб қилди. Етмишинчи йиллар ўрталарида Мисрдан, 1984 йил бошларида Марокаш ва Тунисдан, 1984 йил апрел ва 1985 йил февралда Доминикадан, 1989 йил апрелда Йорданиядан қўллаб-қувватловни камайтиришни ва нархларни оширишни талаб қилди. Натижада бу нарса ана шу давлатлардаги омма халқнинг халқаро валюта фонди ечимлари ўз елкаларига оғир юк бўлиб тушаётганидан норози бўлиб қўзғалон кўтаришига олиб келди.

Халқаро валюта фонди томонидан қилинган бундай адолатсиз барча чора-гадбирлардан мақсад қарзларни бекор қилиш ёки енгиллатиш эмас, аксинча фақат қарзлар жадвалини қайта кўриб чиқиш холос, яъни қарзларни тўлаш вақтини бир муддат кечиктириб қарзларни янада кўпайтириш ва янги қарзлар бериб, янада қарзга ботиришдир.

Одатда жаҳон банкининг роли қарз бериш масаласида валюта фондининг ролини янада такомиллаштириб беришдан иборат. Яъни, халқаро валюта фонди ўз низомига кўра, олган қарзини қайтариб бериши вақти келган давлатларга яна қайта қарз беришга қодир эмас. Одатда бу қарзлардан кўзланган мақсад муайян бир лойиҳалар ишлаб чиқиб, айти лойиҳада мана шу қарздор давлатларнинг ривожланишларига тўсиқ қўйиш ва уларнинг иқтисодини хорижий ёрдам маблағларига қарам қилиб қўйиш мўлжалга олинган бўлади.

Нима бўлганда ҳам, валюта фонди ва жаҳон банки тарафидан олиб борилган бундай сиёсат қарздор давлатларни улар ўйлаган мақсадларига олиб бормади. Аксинча, валюта фонди кўрсатмасига биноан, ҳал этиш

мўлжалланган бу давлатларнинг қарздорликлари тобора ортиб, мураккаблашиб кетди.

Мен бузуқ ечимлар натижасида мазкур давлатларга етган иқтисодий мусибат кўламини тушуниб олиш учун куйида уларнинг қарздорлик миқдори қанчалигини кўрсатиб ўтмоқчиман. Айни бузуқ ечимлар эса халқаро валюта фонди, жаҳон банки ва инсон табиати ва ақлига зид келувчи тузумлар тарафидан таклиф қилинган:

Биринчи: Ривожланаётган давлатлар қарзи.

Умумий қарз 1972 йили 91 миллиард доллар эди. 1986 йилда бу ҳажм бир триллион доллардан ошиб кетди. Бу қарзларнинг 22%и Исломий юртлар елкасига тушган. Саксонинчи йиллар охирида бу қарзларнинг 200 миллиардга яқини араб юртлари елкасига тушди. Саксонинчи йиллар охирида уларнинг 15%и учинчи олам давлатлари елкасига тушди.

Иккинчи: Ривожланаётган давлатлар қарзларининг йиллик устама проценти 1972 йили 7,3 миллиард доллардан 1986 йил охирида 95,8 миллиард долларга кўтарилди. Исломий юртлар қарзларининг проценти эса 1972 йилдаги 1,56 миллиард доллар 1986 йил охирига бориб, 23,5 миллиардга етди.

Учинчи: Қарзор араб давлатлари ичида энг биринчи ўринда Миср туради. Унинг қарзлари 1986 йилга бориб 40 миллиард долларга етди. Бу маблағ 1980-1985 йилларда ратификация қилинган қарзларни ташкил қилади. Бу қарзларнинг процентлари ва 1987 йил январидан 1988 йил июнигача тўланиши кечикиб кетган қисмлари ўн миллиардлаб доллардан ошиб кетди.

Тўртинчи: Йордания. Бу давлатнинг шартномадаги қарзлари етмишинчи йилларнинг иккинчи ярмидан саксонинчи йилларнинг бошлари орасида улкан рақамларга сакраб кетди. Бу қарзлар 1972-1988 йиллар ўртасида юз бараварга ошиб кетди ва 1988 йил охирида шартномада бўйича олинган қарзлар 12 миллиардга етди. Улардан тўланганларидан ташқари нақд маблағ эса беш миллиард долларга яқинлашиб қолди ва 1989 йилнинг охирига бориб бу 8 миллиардга етди. Унинг устама проценти эса 3 миллиард бўлди. Охир бориб, 1988 йил октябрда Йордания ҳукумати динорнинг айрбошлаш курсини қалқитиб туришга ҳамда тижорий банкларни керакли хорижий валюта билан таъминлашдан тўхтаб қолишга мажбур бўлди. Бунга сабаб мамлакат бюджети паст даражага тушиб кетиб, 1988 йили четга чиқариладиган валютаси 14%дан ошмай қолди. Ҳатто импорт товарларга тўланадиган маблағ бюджетда икки ҳафтага егудек қолди холос. Оқибатда 1988 йил охирига бориб, ҳукумат ташқи қарзларини тўлашдан бутунлай ўтириб қолди.

Бешинчи: Ривожланаётган давлатларнинг 1980 йилдаги 28%ни ташкил қилувчи ички маҳсулотга нисбатан қарзлари 1986 йилга бориб 48%га ошди. Исломий юртларнинг ички маҳсулотга нисбатан ялпи қарзи эса 1986 йили

59%ни ташкил қилди. Улар орасида биринчи ўринни эгаллаган Мисрнинг қарзи 1982 йил 89% ва 1986 йил 74% ўртасида бўлди. Иорданияга келсак, унинг ички маҳсулоти кам бўлгани учун ҳамма қарздор давлатлардан ўтиб кетди ва 1988 йили унинг ички маҳсулотларга нисбатан қарзи 300%га яқинлашиб қолди.

Ушбу айтиб ўтилган айрим маълумотларнинг ўзи қарздорлик кризиси тез суръатда кучайиб кетганлигини очиқ таъкидлаб турибди. Қарздорлик кризиси асосан Мексика ўз қарзлари процентини тўлолмай қолиб, бутунлай вайрон бўлган вақтдан бошланиб, ҳануз давом этяпти. Бунинг сабаби эса бугунги олабий иқтисод низоми билан халқаро банк ва валюта фондининг нотўғри ечимларидир.

МУСУЛМОНЛАР ЮРТЛАРИДАГИ ХОЗИРГИ ҚАРЗДОРЛИК КРИЗИСИНING ТЎҒРИ МУОЛАЖАСИ ЭСА ҚУЙИДАГИЧА:

1 – Қарзлардан туғиладиган устама процентларни тўламаслик; Чунки бу рибодир. Аллох Таоло бундай деди.

وَإِنْ تُبْتُمْ فَلَكُمْ رُءُوسُ أَمْوَالِكُمْ لَّا تَظْلِمُونَ وَلَا تُظْلَمُونَ

– „Агар тавба қилсангиз, дастмоянгиз ўзингизга — золим ҳам, мазлум ҳам бўлмайсиз“.

[2:279]

2 – Қарзларни судхўрлик процентисиз ёпиш;

Шубҳасиз, бундай қарздорликдан қутулишнинг тўғри йўли унинг жавобгарлигини шу ҳукмда иштирок этган ва давлатнинг қарздорлик вақтида бошқарув салоҳиятига эга бўлган ҳокимлар кўтаришлари лозим. Чунки улар давлатнинг қарздорлик даврида бойишди. Шунинг учун айна қарзлар уларнинг шахсий бойликларидан, бойликларининг бир-бирларига нисбатан қанчалигига қараб, кундалик эҳтиёждаги молларидан ушлаб қолиш билан ундириб олинади. Мисол учун, бирининг бойлиги проценти бир миллион бўлса, иккинчисининг бойлиги проценти ярим миллион, яна бошқасиники миллионнинг тўртдан бири ва ҳоказо бўлиши мумкин. Бунинг маъноси улар қарздорликни мана бундай нисбатда кўтаришади: 1:2:4 ...

Нима учун қарзлар жавобгарлиги ҳокимларга тушишига келсак, бу қуйидаги сабабларга кўрадир:

а) Исломда ҳокимнинг масъулияти ҳаётнинг барча ишларида, жумладан, иқтисодий ишларда фуқаро ишларини бошқаришдир:

«كُلُّكُمْ رَاعٍ وَكُلُّكُمْ مَسْئُولٌ عَنْ رَعِيَّتِهِ»

«Ҳар бирингиз етакчисиз ва ҳар бирингиз ўз фуқаросидан жавобгардир».

б) Бошқарувда турган ҳоким ҳеч қандай молиявий тижорий иш билан шуғулланмаслиги лозим. Унга ўзининг ойлик моянасидан бошқа пул беришмайди. Агар ҳокимлик даврида бойиб кетса, уни шу тўғрисида муҳосаба қилинади. ҳолбуки, бугунги воқеда барча ҳокимлар бойиб кетишган. Халифа Умар رضي الله عنه бирор волийси ёки масъулининг олаётган ойлигидан ортиқча маблағини топиб олса, мана шу маблағни ундан мусодара қилиб олар, агар шубҳа қилиб қолгудек бўлса, уни қасам ичираар эди. Волий ва масъулларни вазифасига тайинлашдан аввал ва кейин ҳам мол-мулкларини ҳисоблаб кўраар, агар улардан шубҳа қилса, қасам ичираар, ортиқча мол топиб олса, мусодара қилиб, байтулмолга ўтказиб юборар эди. Бу иш уларнинг шахсий мулкларига тажовуз қилиш ҳисобланмайди. Чунки улар бу мулкни ношаръий йўл билан топишди.

Масалан киши ҳоким бўлса-ю ҳокимлик вақтида кўзга ташланарли даражада бойиб кетса, шунинг ўзи унинг мулкидан бир қисмини мусодара қилиш учун етарли хужжат ҳисобланади. Чунки у бу бойликни ношаръий йўл билан, бошқача айтганда, ойлигидан ташқари йўл билан топди. Ҳокимлардан бошқа мулозимларга келсак, уларнинг бойликларидан ҳеч нарса мусодара қилинмайди. Аммо улар ҳам ўз бойликларини давлат хазинасидан ўмарганликлари қози тарафидан аниқ исботланса, уларнинг ҳам бойликларидан мусодара қилинади. Юқорида айтилган йўл билан ҳоким ва мулозимлардан тортиб олинган мол-мулк байтулмолга мулк қилиб ўтказилади ва ундан қарзларга тўланади.

в) Ҳеч шубҳа йўқки, қарз олиб, одамларни қарзга ботириб қўйиш Умматга зарар етказади. Росулulloҳ ﷺ шундай дедилар:

«لَا ضَرَرَ وَلَا ضِرَارَ»

«Зарар кўриш ҳам бўлмасин, зарар етказиш ҳам бўлмасин».

Зарар кўриш хануз давом этапти. Демак, унинг бартараф қилиш масъулияти шу зарарга сабабчи бўлган шахс бўйнига тушади.

3 – Ҳеч қандай янги қарз олмаслик. Чунки маблағ билан таъминлашни хорижий қарз воситасида қилиш юртлар учун энг хатарли воситадир. Аввалги замонда қарз юртларни мустамлакачи давлатлар томонидан тўғридан-тўғри мустамлака қилиб олишга восита эди. Ҳозирда эса қарзни уларга ўз нуфузларини ўтказиш ва уларга қарши тил бириктириш учун восита бўлиб турибди. Одатда қарз берувчи давлатлар қарзларни беришдан аввал албатта ўша қарз сўраётган давлатларнинг иқтисодий сир-асрорларини ўрганиб чиқиш учун иқтисодчи мутахассисларни жўнатиб, шундан сўнг қарзлар сарфланадиган лойиҳаларни аниқ белгилаб олмагунларича, қарз берилмайди. Бу қарз берувчи давлатлар қарз олувчи давлатларга муайян шартларни мажбуран тикиштириш орқали шундай бир лойиҳаларни белгилашиб беришадик, оқибатда бу қарзлар қарздор давлатларни қашшоқлик ва абгорликка олиб бориб қўяди, бойишларини келтириб чиқармайди. Бунга далил масалан, Миср миллиардлаб қарз олган. Унинг иқтисодий аҳволи эса жуда қоқ.

Бундан маълум бўляптики, қарз олиш давлатни иқтисодий ривожланишига олиб бормайди, аксинча, уни қарз берган давлатларга қарам давлатга айлангириб қўяди.

Қарзлар ҳар қандай ҳолатда ҳам хатарли. Ҳатто у ишлаб чиқариш лойиҳаларига сарфланса ҳам. Чунки қарзлар ё қисқа муддатли қарз ё узоқ муддатли қарз бўлади. Агар давлат қисқа муддатли қарз олса, маҳалий валюта зарб қилишга мажбур бўлиб, чигал ҳолатга тушиб

колади. Чунки олинган қарз маҳаллий валютада эмас, балки ажнабий валютада тўланади. Кўпинча бу давлатлар ўзларида ажнабий валютанинг етишмаслиги боис қарзларини ўша валютада тўлолмай қолишади. Натижада хорижий валютани қиммат нархда солиб олишга мажбур бўлишади-да, бу билан ўзларининг маҳаллий валютаси курси тушиб кетади... Ана шунда халқаро валюта фондига мурожаат қилишади. Халқаро валюта фонди эса бу давлатлар иқтисоди устидан Америкага маъқул келадиган сиёсат бўйича ҳукм чиқаради. Мақсад, жаҳон бозорига Америка ҳукмрон бўлсин. Баъзида қарздор давлат қарзини тўлаш учун хорижга арзон нархда товар чиқаришга мажбур бўлади ва бу билан иқтисодий зарар кўради.

Агар қарз узоқ муддатга берилган бўлса, бундан ўша давлатда улкан ҳажмда маблағ тўпланиб қолиб, иқтисодий балансига путур етказиш, кейин қарзини нақд пул ёки нақд товар билан тўлолмай қолиб, кўчмас мулки, ери, кўпинча завод-фабрикаси билан тўлашга мажбур қилиш кўзда тутилган бўлади.

Ушбу қарзлар натижасида келиб чиқувчи хатарлар муқаррар хатарлигидан ташқари, улар рибо ҳамдир. Шунинг учун давлатлардан қарз олиш ҳеч қандай ҳолатда шаръан дуруст бўлмайди. Шу ўринда бир савол туғилади: Хўп, биз қарздорликдан қутулдик ҳам дейлик. Шундан кейин маблағ мавжуд бўлмаса, қайта қарз олмасак, қандай қилиб қайтадан иқтисодимизни ривожлантира оламиз?

Ислом бу муаммони қуйидаги икки йўл орқали хал қилиб берди:

Биринчи: Қишлоқ хўжалик, савдо, саноат ва уларнинг бошқа соҳалар бўйича соғлом иқтисодий сиёсатларни ишлаб чиқиш.

Иккинчи: Байтулмолга – унда мавжуд бўлиши ё бўлмаслигидан қатъий назар – зарурий лойиҳаларни яратишни вожиб қилди.

Биринчи тўғрисида бир оз тафсилоти билан қисқача баён қилиб ўтамиз:

а) Қишлоқ хўжалик:

1 – Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш.

2 – Пахта, ипак, каноп ва юн каби кийим-кечак маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш.

3 – Дон каби озиқ-овқат маҳсулотлари ёхуд пахта, ипак каби кийим-кечак маҳсулотлари ёки цитрус мевалар, хурмолар каби мева-чевалар бўладими фарқсиз, хорижда ўз бозорига эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ошириш.

б) Савдо:

Мусулмонлардан ва зиммийлардан божхона солиқларини олмаслик. Балки уларни ҳеч қандай лицензиясиз экспорт ва импорт савдоларини

қилишларига қўйиб бериш. Фақат икки ҳолатда савдо қилиш ман қилинади:

Амалда уруш ҳолатида бўлган давлат билан савдо-сотик қилиш;

Умматга зарар келтирадиган товарларни экспорт ва импорт қилиш.

Биз билан улар ўртасида сулҳ тузилган давлатлар билан эса мана шу сулҳга кўра савдо-сотик қилинади. Биз билан уруш олиб бораётган давлатлар билан эса (масалан, Швеция биз билан уруш олиб бораётган бўлса) бу давлатлар ўз товарларини олиб кириш учун биздан лицензия олишларига тўғри келади.

в) Саноат:

1 – Юртимиздаги мавжуд табиий бойликларни ишлатишда, ичкарида уларни саноатлаштириб, фойдаланиш ва хорижга экспорт қилишга жиддий ҳаракат қилиш.

2 – Асбоб-ускуналар саноати яратишга аҳамият бериш. Биз ўзимизда ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар орқалигина қўшимча корхоналарни қуришимиз мумкин. Агар асбоб-ускуналар ўзимизда ишлаб чиқарилмаса, завод ва фабрикаларимиз саноатлашган давлатларга қарам бўлиб қолади. Чунки мисол учун, заводда бирор ускуна ёки эҳтиёт қисм ишдан чиқиб қолса, то уни импорт қилиб олгунга қадар завод тўхтаб қолади ва бу билан меҳнат ҳам, вақт ҳам, товар ҳам зое кетади.

Энди иккинчи, яъни зарурий лойиҳаларни яратишга келсак, Ислом бу масалани қуйидагича ҳал қилиб берди:

1 – Инсонларга манфаат етказадиган тарзда ишларни бошқариш каби байтулмолга вожиб қилинган ишларнинг барчаси шу байтулмолдаги маблағга боғлиқдир. Агар маблағ бор бўлса, сарфланади, агар йўқ бўлса, сарфланмайди. Бундай ишларга талабни қондириб турган ва мавжуд бўлгандан ташқари қўшимча йўл, қўшимча мактаб, қўшимча шифохона қуриш каби нозарур ишлар киради.

2 – Эҳтиёж учун бошқа мавжуд бўлмаган ва қурилиши зарур ҳисобланган ишлар, жумладан, шифохона, сихатгоҳ, мактаб каби қурилишлар ва лойиҳалар эса, байтулмол билан мусулмонлар елкасидаги вожиблардир. Чунки буларнинг мавжуд бўлмаслиги Умматга зарардир. Бу қурилишларга байтулмолда маблағ бўлса, сарфланади. Агар байтулмолда маблағ йўқ бўлса, бадавлат мусулмонлардан солиқ сифатида йиғилади яъни уларнинг асосий ва камолий эҳтиёжларидан ошган, бошқача айтганда, кундалик сарф-харажатларидан орган маблағдан мана шу лойиҳа учун етарли миқдорда олинади. Бундай маблағ Қуръон ва суннат нусуслари талабига кўра олинган маблағ ҳисобланади. Чунки Ислом давлатнинг хоҳлаганича солиқ йиғиб олишига рухсат бермайди. Негаки, мусулмонлар ва зиммийлар савдо-

сотикларига божхона солиғини солиш каби одамлар мулкини ҳеч қандай далилсиз тортиб олиш Росулulloҳ ﷺ айтганларидек,– ҳаром ва катта гуноҳдир.

«لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ صَاحِبُ مَكْسٍ»

«Солиқ йиғувчи (ноҳақ солиқ йиғувчи) жаннатга кирмайди».

Яъни божхона солиғини йиғувчи жаннатга кирмайди.

«لَا يَحِلُّ مَالُ امْرِئٍ مُسْلِمٍ إِلَّا بِطَيْبِ نَفْسِهِ»

«Мусулмон кишининг молини унинг розилигисиз олиш ҳалол эмас».

Аммо юқорида айтганимиздек, байтулмол ва мусулмонларга вожиб қилинган лойиҳаларга, агар байтулмолда маблағ мавжуд бўлмаса, шу лойиҳага етарли миқдорда мусулмонлардан солиқ сифатида йиғиш ҳаром эмас, ҳалолдир. Чунки шариат бунга рухсат берди. Демак, бу маблағни бериш мусулмонларга фарз ҳисобланади. Мана шу фарзни мусулмонларнинг ўрнига адо этиш учун улардан шу маблағни йиғиб олиш ҳам вожибдир. Чунки вожибни адо этиш учун зарур бўлган нарса ҳам вожибдир, дейилган қоида мана шундай ободонлаштириш ишларига ҳам тўғри келади. Шунингдек, юқорида айтганимиздек, асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш каби ишлаб чиқариш лойиҳалари ҳам Уммат учун зарур ҳисобланиб, унинг йўқлиги зарарни келтириб чиқаради. Чунки уларнинг йўқлиги саноат ва қурул-аслаҳа масаласида мусулмонларни кофирларга қарам қилиб қўяди. Бу эса зарардир:

«لَا ضَرَرَ وَلَا ضِرَارَ»

«Зарар кўриш ҳам, зарар етказиш ҳам йўқ».

Зарар бартараф этилади. Унинг бартараф этилиши билан асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш мусулмонларга фарзга айланиб қолади. Шунинг учун давлат, байтулмолда маблағ борлиги ё йўқлигидан қатъий назар, бундай саноатни яратиши вожибдир.

Шуни эслатиб ўтиш лозимки, байтулмол ва мусулмонларга вожиб қилинган лойиҳалар учун бадавлат мусулмонларга солинадиган солиқлар мана шу амалий лойиҳаларга етарли миқдордан ортиб кетмаслиги ва роппа-роса шунга етарли ҳажмдаги маблағ тўпланиши лозим. Агар сотиб олинмоқчи бўлган нарсани (шошилинич) нақд пулга сотиб олиннадиган бўлса, маблағнинг ҳаммаси йиғилади. Аммо сотиб олинмоқчи бўлган нарсаларнинг пули кечиктириб бериладиган бўлса, солиқлар ҳам ўша белгиланган миқдорда керакли вақтида бўлиб-бўлиб йиғиб олинади. Бу худди енгил шартли қарзлар ёки лойиҳаларга керакли материалларни насия тўловда импорт қилишга ўхшайди. Чунки Исло

товарларнинг икки хил нархи бўлишига рухсат берди. Дархол пул тўланувчи шошилич нарх ва насия билан тўланувчи кечиктирилган нарх. Бошқача айтганда, маълум муддатгача қарзга сотиб олиш. Чунки кечиктириб пул тўланадиган савдо мусовама савдо бобига қиради. Шариат рухсат берган бундай савдода харидор мана шу икки нархдан бири устида савдолашади. Чунки Росулulloҳ ﷺ Анас رضي الله عنه ривоят қилган бир ҳадисда мусовама қилганлар. Али رضي الله عنه бундай деди: **«Ким икки нарх билан: бири шошилич тўланувчи нарх, иккинчиси кутиб турилувчи нарх билан мусовама қилса, келишувдан аввал шу икки нархдан бирини айтиб қўйсин»**. Аммо бу тўғри савдо бўлиши учун икки нархнинг қайсиниси эканлиги аввалданок белгилаб олиниши зарур ва савдо шу нарх бўйича амалга ошади. Аммо асбоб-ускуналар ўша захотиёқ сотиб олинсаю, сотиб олувчи ҳисобига унинг баҳоси ҳам, проценти ҳам қарз қилиб ёзиб қўйилса – худди бугунги кунда бўлаётганидек – бу рибо бўлади, бўлиб-бўлиб тўланадиган насия савдо бўлмайди.

Шу ерда, солиқ солиш масаласини ёритиб олишимиз учун куйидаги тафсилотга бир оз тўхталиб ўтишимиз лозим:

Инсонлар мол-мулки Ислолда ҳимоя қилинди. Чунки Росулulloҳ ﷺ мол-мулкини ҳимоя қилиб ўлган кишини шаҳид мартабасига кўтардилар. Бу молини ҳимоя қилишнинг савоби жуда улуғ эканига далолат қилади. Шунингдек, мусулмон кишининг мол-мулкини унинг рухсатисиз олиш ҳалол эмаслигини айтдилар. Шунинг учун ҳеч ким, ҳоким бўладими, маҳкумми бировнинг мулкига – агар бу мулкда шаръан мулкка эга бўлиш сабаблари топилса – тажовуз қилиши мумкин эмас.

Шу боис давлат одамларнинг мол-мулкига хоҳлаганича солиқ солавериши дуруст эмас. Чунки дахлсиз мулкка солиқ солиш ҳаромдир. Мусулмон ва зиммийларнинг савдоларига божхона солиқларини солиш ҳам ҳаромдир. Савдо расталарига қўриқлаш солиқларини солиш каби бошқа солиқлар ҳам одамларнинг ишларини бошқариш устидан солиқ солиш ҳисобланиб, буларнинг барчаси ҳаром ҳисобланади. Чунки шариат тарафидан берилган мулкка эга бўлиш сабаблари шахсга ўз мулкига эга бўлиш ва уни оёқ ости қилувчи, тажовузкорлардан ҳимоя қилиш ҳуқуқини беради. Мулкка эга бўлиш тўғрисида шариат Эгасининг рухсатини шариат Эгасининг ўзидан бошқа ҳеч ким тортиб ололмайди. Шунинг учун инсонлар мулкини солиқ сифатида олиш учун албатта шаръий нусус бўлиши лозим. Бу нусус фақат битта ҳолатда, у ҳам бўлса, вожибни адо қилиш учун зарур бўлган нарса ҳам вожибдир, дейилган машҳур шаръий қоида доирасига кирган ҳолатда бўлади. Агар мусулмонларга шунга ўхшаш иш вожиб бўлгани ва шу вожибни адо

қилишга байтулмолдаги маблағ етмаётганлиги исботланса, бундай ҳолатда айни вожибни Умматнинг ўрнига давлат мусулмонларнинг мол-мулклари орқали ижро этиш билан шуғулланади. У фақат мана шу лойиҳага етарли миқдорда уларга солиқ солади. Ушбу солинган солиқни тўлаш эса бадавлат мусулмонларга фарз бўлиб қолади. Чунки Ислом вожиб бўлган сарф-харажат бадавлат кишининг ҳисобидан олиниши лозим эканлигини саҳиҳ нусуслар билан баён қилди. Шунинг учун солиқлар ҳам бадавлат кишидан олинади. Исломда бадавлат киши, деб қундалиқ этҳиёжидан ортиб қоладиган мулкка эга кишига айтилади.

Шунинг учун Исломда солиқ солиш учун қуйидаги икки шартга рия қилиш лозим. Шундагина лойиҳаларни амалга оширишда фақат уларга етарли миқдорда солиқ солиш фарз бўлади:

1 – Қуриш керак бўлган лойиҳа байтулмолга яъни давлатга ва мусулмонларга вожиб бўлиши ҳамда бу вожиблик шаръий нусус орқали исботланган бўлиши шарт. Мисол учун, бошқа мавжуд бўлмаган зарурий йўл, зарурий мактаб, зарурий шифохона ёки оғир саноат заводлари қуриш каби. Чунки минтақада бундай иншоотларнинг йўқлиги Уммат учун зарардир. Бу эса Росулulloҳ ﷺнинг

«لَا ضَرَرَ وَلَا ضِرَارَ»

«Зарар қўриш ҳам, зарар етказиш ҳам йўқ», деган ҳадисига хилофдир.

2 – Бундай ишларга сарфлашга етадиган маблағ давлатнинг байтулмолида мутлақо йўқ бўлиши шарт. Мана шу икки шарт топилмаган ҳолатда, солиқ солиш мумкин эмас. Агар ишларни бошқаришга тааллуқли фақат давлатнинг вазифаси бўлган қўшимча шифохона қуриш, қўшимча йўл очиш каби талабдан ташқари лойиҳалар бўлса, бундай ҳолатда давлат байтулмолдан – агар унда маблағ бор бўлса – сарфлайди. Шунингдек, агар лойиҳани бажариш мусулмонларнинг вазифаси бўлса-ю, бунга байтулмолда ҳам маблағ бўлса, байтулмолдан сарфланади ва солиқ йиғилмайди.

Юқоридаги мазкур йўл билан ҳеч қандай қарз ва солиқларсиз қарздорликка ҳам, Умматга вожиб бўлган иқтисод ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ҳам, ободонлаштириш ишларини қилиш учун ҳам етарли ечим топилади.

Учинчи: Бойликни тақсимлашдан келиб чиққан иқтисодий муаммо.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, иқтисодий молиявий кризислар ва тўловлар балансидаги муаммоларни ҳал қилиш билан иқтисодий муаммо ҳал бўлиб қолмайди. Чунки ечим фақат арифметик тенглик эмас. Баъзан импортлар ва тўловларни тенглаб олинса-да, бойликни тақсимлаш

бузилиши мумкин. Бунинг маъноси шуки, мисол учун, ишлаб чиқариш кенг ва илғор бўлади. Аммо товар ва хизматлар фойдасининг аксари Умматнинг бадавлат қатламига кетиб, камбағал кишиларга тегмай қолади. Шунингдек, баъзан кризислар қарздорликка кўшимча, ишсизлик ва камбағалликни ҳам олиб келади. Чунки биргина қарздорлик муаммосининг ечими ишсизлик ва камбағаллик муаммосини ечиб беролмайди. Аммо Ислом бундай муаммоларни қуйидагича мукаммал ечиб берди:

1 – Юқорида айтилган қишлоқ хўжалик, савдо ва саноат соҳасида иқтисодий сиёсат юритиб, Умматга вожиб бўлган лойиҳаларни яратиш натижасида ишчи ўринларни ташкил қилиш. Бундай лойиҳаларга байтулмолдан сарф қилинади. Агар унда маблағ бўлмаса, бадавлат мусулмонлардан йиғилган солиқ эвазига бажарилади ва бу ҳар қандай ҳолатда ҳам мана шундай лойиҳаларни ташкил қилиш зарур эканлигига далолат қилади.

2 – Ислом юртдаги ҳар бир шахснинг асосий эҳтиёжларини қондиришни кафолатлади. Бу эҳтиёжлар озиқ-овқат, кийим-кечак, юртда қурилиши урф бўлган оддий уй-жойдан иборатдир. Ислом айна асосий эҳтиёжларни қуйидагича кафолатлади:

а) Агар мана шу асосий эҳтиёжлардан бирортаси қондирилмаётган бўлса, ишлашга қодир эркакларга ишлаш фарз қилинди.

б) Аёл кишига нафақа қилиниш мутлақо фарз қилинди. Бунда аёлнинг пул топишга қодир ёки қодир эмаслигининг фарқи йўқ. Камбағал эркак кишига ҳам нафақа қилиниш фарз қилинди. Унинг ишлашга қодир бўлмай, амалан ожиз бўлиши ёки ишлашга қодир бўла туриб, ҳукман ожиз бўлишининг фарқи йўқ. Бунинг тафсилоти шундай:

Хотинга нафақа қилиш – эрига, ёш фарзандларга нафақа қилиш – отага, ота-онага нафақа қилиш – фарзандларига, қариндошга нафақа қилиш – яқин ворис қариндошга фарз қилинди ва буларнинг барчаси очик шаръий нусусларда келди.

Давлат мазкур нафақаларни фарз қилинган кишилардан мажбуран йиғиб олади ва буни бошқа барча қарзлардан муқаддам қўяди. Чунки нафақа қилишнинг ҳукми энг биринчи қўйилади ва бунда нафақа қилувчининг тўлай олмаслик даъвоси қабул қилинмайди. Қарзни тўлашнинг ҳукмида эса тўлай олмаслик даъвоси қабул қилинади. Бу билан Исломда давлатнинг барча фуқароларининг асосий эҳтиёжлари нафақа қилиш орқали кафолатланади. Аммо икки ҳолат бундан мустасно:

- 1) Ҳеч қандай яқин ворис қариндоши йўқ бўлса;
- 2) Нафақа қилиш вожиб бўлган киши нафақа қилишдан ожиз бўлса.

Бундай ҳолатларда нафақа қилиш байтулмолга яъни давлатга ўтади.

«مَنْ تَرَكَ كَلًّا فَإِلَيْنَا وَمَنْ تَرَكَ مَالًا فَلِوَرَثَتِهِ»

«Ким кало қолдирган бўлса, бизнинг зиммамизда ва ким мол-мулк қолдирган бўлса, ворисининг зиммасида». Кало, деб фарзандлари ҳам, отаси ҳам йўқ кишини айғилади.

Бу нафақа, маблағнинг бор ёки йўқ бўлишидан қатъий назар, байтулмолнинг елкасида. Чунки бу иш байтулмол ва мусулмонларнинг вазифаси. Байтулмолнинг вазифаси эканлиги аниқ. Аммо мусулмонларнинг вазифаси эканлигига келсак, бунинг далили

«أَيُّمَا أَهْلٌ عَرَصَةٍ أَصْبَحَ فِيهِمْ أَمْرٌ جَائِعٌ فَقَدْ بَرَّتْ مِنْهُمْ ذِمَّةُ اللَّهِ تَبَارَكَ وَتَعَالَى»

«Қайси хонадон аҳли тонг отгирса-ю, ораларида оч инсон бўлса, Аллоҳ Табарока ва Таоло ундай хонадон аҳли билан алоқани узади», деган ҳадисдир. Агар байтулмолда маблағ бўлмаса, солиқ йиғилади. Агар бундай солиқ йиғишда хавф бўлса, қарз олинади-да, сўнг тўлаб қўйилади. Шунинг учун ҳар қандай ҳолатда ҳам камбағалларнинг эҳтиёжига нафақадан тўланади, кейин закотдан, кейин байтулмолдаги бошқа қиримлардан, кейин бадавлат мусулмонлардан йиғилган солиқдан тўланади.

Нафақа ёки солиқлар бадавлат кишининг ҳисобидан яъни мукаллаф кишининг асосий кундалик эҳтиёжларидан ва камолий эҳтиёжларидан ортган маблағдан йиғилади. Мана шундай йўл билан фуқаронинг асосий эҳтиёжлари кафолатланади, бинобарин, ишсизлик ва камбағаллик муолажа қилинади.

Шу билан бирга, Ислом давлати барча фуқаронинг хавфсизлик, тиббиёт, таълим ва бошқа асосий эҳтиёжларини ҳам шу тўғрида келган шаръий нусусларга мувофиқ юқорида келтирилганидек ўз кафолатига олади.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, Исломда байтулмолнинг қиримлари бадавлат мусулмонлардан солиқ йиғмасдан ҳам мазкур эҳтиёжларни қоплашга кўпинча етарли бўлади. Шариатда айни аҳкомларнинг истинбот қилинганлиги эса ҳар қандай маконда ва ҳар қандай замонда ҳам содир бўлиши кутилган ҳар қандай муаммони муолажа қилиш учундир. Агар муаммо содир бўлса ва байтулмолнинг маблағи бунга етмаса, етарли маблағ бадавлат мусулмонлардан йиғиб олинади.

Бу нарса янада ёрқин тушунилиши учун ИсломиЙ Халифалик давлатида байтулмолнинг доимий қиримлари ҳақида қуйида қисқача айтиб ўтмоқчиман.

Байтулмолнинг доимий қиримлари:

- Фай (ўлжа)нинг ҳар қандай тури;
- Жизя;
- Хирож;
- Ракоз (топиб олинган мол)нинг бешдан бири;
- Закот;
- Давлатга тегишли мол-мулк;
- Кофирлардан иборат шартлашилган ишчи ва ҳарбий (ислом фуқароси бўлмаган кофир)лардан олинадиган ушрлар;
- Умумий мулкдан келиб чиққан мол-мулклар;
- Меросхўри йўқ кишилардан қолган мерослар;
- Давлатнинг хиёнаткор ҳокимлари ва амалдорларининг мол-мулклари;
- Ношаръий йўл билан топилган мол-мулклар;
- Жарима пуллари;
- Муртадларнинг мол-мулклари;
- Солиқлар.

Юқоридаги фикрлардан Ислom иқтисодий кризисни қандай муолажа қилиши инсонларни – у дунё ҳаётидан ташқари – бу дунёда бахт-саодатли қилиши маълум бўлди.

ХУЛОСА

- Иқтисодий кризис – давлатнинг молиявий ишларни бошқаришда қаттиқ тартибсизликка учраши бўлиб, бу тартибсизликни ўнглаш ва вазиятни барқарор ҳолатига қайтариш учун қаттиқ ғайрат билан ҳаракат қилиш зарур бўлади.

- Молиявий кризис ўз валюта резервига эга давлат бошқа давлатлар устидан сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ҳукмрон бўлиб олиш мақсадида олтинга айирбошлаш низоми бўйича муомала қилиш оқибатида содир бўлади. Шунингдек, молиявий кризисга мажбурий қоғоз пул низомида ҳам дуч келинади. Чунки у валюталар курсининг беқарорлигига, давлатлар ўртасида курашларнинг келиб чиқишига ва молиявий фитналар уюштирилишига йўл очиб беради. Бу эса сиёсий, иқтисодий нотинчликка ва молиявий бозорларнинг бузилишига сабаб бўлади.

- Молиявий кризисни муолажа қилиш олтин пул низомига қайтиш билан бўлади. Фақат олтин пул низомигина валюта айирбошлашнинг барқарорлиги ва иқтисодий гуллаб яшнашни муҳофаза қилади.

- Тўловлар балансининг бузилишидан келиб чиққан кризис қарздорликка олиб келади. Чунки иқтисодий ривожланиш мустақил равишда бўлмади ва қарзларни нотўғри сарф қилинди. Хусусан, бундай қарзлар аввало, нуфузни ёйилиши учун хатарли бўлса, иккинчидан, рибодир. Рибо эса ҳаромдир.

- Халқаро валюта фондига мурожаат қилиш муаммони янада кучайтиради. Чунки бунда айни муаммони фақат арифметик ҳисоб билан ҳал қилади-да, солиқларни оширишни, валюта курсини пасайтиришни, ойлик ва маошларни музлатиш ёки камайтиришни, ишлаб чиқаришдан қўллаб қувватлашни бекор қилишни, нарх-наволарни оширишни талаб қилади. Шунингдек, берилган қарзларни давлатнинг бойликлари униб-ўсмайдиган лойиҳаларга сарф қилдиради-да, натижада, қарздор давлат яна ёрдамлар ва қарзлар олишдан тўхтамайди. Ўзининг программаси бўйича юрган давлатга эса энг камида – берган қарзининг муддатини чўзиб қўяди, кечиб юбормайди. Мана шу йўл билан у давлатга яна қарз

олишини осонлаштиради ва оқибатда унинг қарзлари кўпайгандан кўпайиб боравериб, уни тўлашнинг йўлини тополмай қолади. Бу фонд билан муомала қилган барча давлатлар мана шу аҳволда.

- Қарздорлик кризиси эса процентларини – рибо бўлгани боис – тўламаслик билан ҳал қилинади. Бу қарзларни тўлашни эса ана шу қарзларни олиш ишида қатнашган ҳокимларга юкланади. Улар ўз шахсий бойликларидан тўлайдилар. Шунингдек, бу кризис ҳеч қачон ва ҳеч қандай қарз олмаслик билан ҳам ҳал бўлади. Бунга қўшимча, юртда қишлоқ хўжалиқ, саноат, савдо-сотик соҳаларида соғлом сиёсат олиб бориш ва табиий бойликлардан кенг фойдаланиш билан ҳал бўлади. Шунингдек, Умнатга вожиб бўлган лойиҳаларни ишлаб чиқиб, уларни аввало байтулмолдан, байтулмолнинг маблағи етмаса, бадавлат мусулмонлардан солиқ йиғиш билан амалга оширилади.

- Бойликни ёмон тақсимлаш ёки унинг етишмаслиги оқибатида келиб чиққан ишсизлик ва камбағаллик ишлашга қодир шахсларга давлат тузган лойиҳалар орқали иш ўринлари яратиб бериш билан ҳал этилади. Эркакларга ишга қодир кишилар нафақа қилади, аёлларга уларнинг маҳрам қариндошлари нафақа қилади. Агар ушбу нафақа қилувчилар йўқ бўлса, уларни зарурий эҳтиёжлари билан таъминлаб туришни давлат ўз зиммасига олади ва байтулмолдан беради. Агар байтулмолда маблағ йўқ бўлса, бадавлат кишиларга солиқ солиш билан амалга оширилади.

- Исломиий давлат Умнатнинг ва унинг ҳар бир шахсининг асосий эҳтиёжларини қафолатлайди. Шахсларнинг асосий эҳтиёжлари: озиқ-овқат, кийим-кечак ва юртда қурилиши урф бўлган оддий уй-жой қабилардир. Бутун Умнатнинг асосий эҳтиёжлари: таълим, табобат ва хавфсизликдир. Байтулмолда маблағ бор бўлиш ёки бор бўлмасликдан қатъий назар, ҳар иккала эҳтиёж албатта, қондирилади. Чунки байтулмолда бўлмаса, солиқ орқали қондирилади.

- Байтулмолнинг доимий қиримлари урушда олинадиган ўлжалар, фай, топиб олинган қоннинг бешдан бири, хирож, жизя, омманинг барча турдаги мол-мулклари, давлатнинг ери, бинolari, экспортлари, ушрлар, хоин ҳоким ва амалдорларнинг мол-мулклари, ношаръий йўл билан топилган мол-мулк, вориси йўқ кишилар

қолдирган мерослар, муртадларнинг мол-мулклари, садақа, закот ва солиқ пуллариدير. Бу мол-мулклар одатда давлат эҳтиёжларига, хусусан, иқтисодиётни гўзал суратда ривожлантирилса, кифоя қилади.

- Аллоҳнинг изни ила яқинда барпо бўладиган Халифалик давлатигина ҳар қандай иқтисодий муаммоларни тўла ҳал эта олади. Чунки унда хўжайинлик шариатники, салтанат Умматники бўлади. Унинг ягона халифаси шаръий акомларни табанний қилади. Бу Халифага Аллоҳнинг Китоби ва Росулининг суннати асосида байъат қилинади ва у ҳам, Уммат ҳам Аллоҳнинг назорати остида бўладилар. Ана шунда ҳаёт Аллоҳ Субҳонахунинг Ўзи истаганидек тартиб интизомли бўлиб, барча ишларида гуллаб яшнайди.

وَلَيَنْصُرَنَّ اللَّهُ مَنْ يَنْصُرُهُ إِنَّ اللَّهَ لَقَوِيٌّ عَزِيزٌ

– „*Албатта Аллоҳ Ўзига (яъни динига) ёрдам берадиган зотларни золиб қилур. Шубҳасиз Аллоҳ кучли, қудратлидир*“.

[22:40]

Олим Ато ибн Халил Абу Рушта

